

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.564.22:001.57(575.1)

ХОНКЕЛДИЕВА КОМИЛАХОН РАВШАНЖОН ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5А 230102 – Иқтисодиёт (реал сектор) мутахассислиги

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:
И.ф.д. проф. М Адхамов**

Фарғона – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1 БОБ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари.....	12
1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес назарияларининг шаклланиш асослари.....	12
1.2. Кичик бизнес самарадорлиги ва мулкдорлар синфининг шаклланиши.....	24
1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари	40
2 БОБ. Мамлакатимиз қишлоқ жойларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг самарадорлигини иқтисодий баҳолаш.....	48
2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.....	48
2.2. Вилоят қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш таҳлили (Фарғона вилояти мисолида).....	53
3 БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишининг истиқболли йўллари.....	71
3.1. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишлари.....	71
3.2. Мамлакатимизда кичик бизнеснинг ривожланиш омиллари, барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш йўллари.....	77
3.3. Кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларини моделлаштиришни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири.....	90
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	100
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	105

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, ўтказилаётган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳолининг умумий бандлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Республикаимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биз учун ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив, мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади”.¹

Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш республикаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Яқин истиқболда кичик бизнес республикаимизда иқтисодиётни узлуксиз ривожлантиришнинг энг муҳим омили, тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган етакчи куч бўлиб қолади.

Хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишни янада таъминлаш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилиши тадбиркорлик фаолияти фаоллашишининг сезиларли даражада ўсишига ва жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 13,6 мингдан ортиқ ёки 2016-йилнинг худди шу давридагига қараганда 64 фоиз кўп янги субъектлари ташкил этилишига кўмаклашди. Кичик бизнес субъектларига 4,6 триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди, бу 2016-йилнинг биринчи чорагидагига қараганда 1,3 баравар кўпдир. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиётига

¹ Каримов И.А. Вазирлар Маҳкамасида «2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси. // Туркистон. 2015 йил, 9-феврал. №11. 2- бет.

ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,7 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитлар – 10,5 фоизга ўсди. Йил бошидан буён 9 та йирик корхона, шунингдек, 4 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Янгидан ташкил этилган «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тармоқлар ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини сафарбар этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспортга маҳсулот етказиб беришнинг ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий салдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган 258 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, товарларнинг 117 та янги турини экспорт қилиш, шунингдек, 28 та янги ташқи сотиш бозори ўзлаштирилди.²

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни тараққий эттириш, кўллаб-қувватлашдаги давлатнинг одилona иқтисодий сиёсати туфайли мамлакатимизда қулай макроиқтисодий муҳит яратилди. Жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик мустаҳкамланди, бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни бериш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорлик субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди, солиқ ставкалари унификация қилинди, талаб юқори бўлган моддий-техник ресурслардан кенг фойдаланишга имкон берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш,

² Мирзиёев Ш.М. Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда республика ҳукуматининг 2017-йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш. Тошкент 2017 й.

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.³

Шунингдек, давлатимизнинг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда республикамизда кичик бизнесни тизим сифатида шаклланиши ва ривожланиши тенденцияларини, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, республикамиз ҳамда минтақаларда кичик бизнес ривожланишининг устувор йўналишларини моделлаштириш ёрдамида илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш республикамиз иқтисодиёт фани олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Юқоридаги кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни ечишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.

Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси, хусусан Фарғона вилоятидаги кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. **Тадқиқот предмети** республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари, кичик бизнес ривожланишини моделлаштириш ва башоратлаш жараёнлари ҳисобланади.

³ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Тадқиқотнинг мақсади республикамизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда устувор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиш замини, генезиси, шаклланиш босқичлари ва тенденцияларини аниқлаш, иқтисодий-статистик таҳлил қилиш асосида тизимли баҳолаш ва тараққиёт қонуниятларини асослаш;

- республикамизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда амалга оширилган институционал ўзгаришлар, тадбиркорликнинг устувор йўналишларини рағбатлантиришнинг тузилмавий таркибини такомиллаштириш;

- миллий иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг устувор ривожланиши концепциясини, бозор механизми, жумладан, фирмаларнинг нормал фойда олиши учун рақобатчилик муҳити шароитида кичик бизнес субъектлари стратегиялари, кичик ва йирик бизнес синергиясини баҳолаш;

- кичик бизнес субъектларининг ўзаро ва тармоқдаги бошқа субъектлар билан кооперацияси тараққиётини башоратлашнинг моделлари ва услубларини ишлаб чиқиш;

- республика ва унинг минтақаларини кичик бизнес тараққиёти бўйича оптимал гуруҳлаш услубиятини яратиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожланишини таъминлайдиган илмий ишланмалар, тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги. Диссертация ишида кичик бизнес субъектларининг ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий, услубий ва амалий асослари такомиллаштирилган бўлиб, унинг асосида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммолар янгича ҳал қилинган, хулосалар ва тавсиялар таклиф этилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

-республикамизда кичик бизнеснинг ривожланиш босқичлари ишлаб чиқилиб, таснифланиши ва тенденцияларини баҳолашнинг назарий асослари такомиллаштирилган;

-мустақилликдан кейинги йилларда кичик бизнеснинг ривожланиши эксперт-ҳамкорлик тизими ёрдамида даврий баҳоланган ва реал амалиёт билан мослиги асосланган;

-республикамизда кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларнинг корхоналарни қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти илмий таҳлил этилган, муҳим йўналишлари яхлит тизимга туширилган;

-бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес назарияларининг шаклланиш асослари ва мулкдорлар синфининг шаклланиши кенг ёритилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).

Республикамизда, МДХ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган ишлар кенг ўрин олган. Хорижлик ва МДХ олимларидан А.Смит, Й.Шумпетер, Х.Гросс, Р.Бруксбенк, В.Хюбнер, Р.Хизрич, М.Питерс, А.Хоскинг, Г.Жоунз, Л.Абалкин, В.Абчук, А.Бусыгин, Ю.Осипов, А.Шапиро, М.Балашевич, М.Хаджимуратовлар илмий ишларида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий муаммоларини тадқиқ этишган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини эконометрик тадқиқ этишнинг илмий, назарий асослари ва усуллари К.Доугерти, А.Вебстер, Е.Вигдорчик, А.Хачатрян, С.Айвазян, В.Мхитарян, Н.Егорова, А.Ларионов, В.Долгопятав, О.Замков сингари олимлар тадқиқотларида кенг ёритилади.

Республикамизда ўтиш иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, минтақавий ва тармоқ муаммолари С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, А.Ўлмасов, Ё.Абдуллаев,

М.Қосимова, Т.Дўстжанов, М.Шепелев, З.Худойбердиев, А.Амбарцумян, Қ.Муфтайдинов ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритилган⁴.

Ўзбекистонда бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг инновацион тури бўлган ахборот-коммуникациялар бозорини, тадбиркорлик фаолиятида автоматлаштириш, ахборотлаштиришнинг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришнинг назарий-услубий ва амалий масалалари академик С.Ғуломов, профессорлар Р.Алимов, Б.Бегалов, А.Кенжабоевларнинг илмий ишларида кенг ёритилади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва бевосита кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни эконометрик моделлаштириш борасида тадқиқотлар олиб борган таниқли олимлар қаторига Т.Шодиев, Б.Ходиев, Н.Махмудов, Б.Беркинов, А.Абдуғаффаров, Қ.Сафаева, Ш.Холмўминов, Х.Шодиев, Б.Салимов, М. Адхамов, О.Абдуллаев, Н.Аимбетов ва Ю.Мухамедов сингари олимларни киритиш мумкин. Улар ўз илмий ишларида иқтисодиётнинг минтақавий, тармоқ, инфратузилма объектларини моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишган⁵.

Шу сабабли, ҳозирги кунда республикаимизда кичик бизнесни таснифлашни такомиллаштириш, ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, иқтисодиёт ва мулк секторлари ривожланишидаги ўзаро алоқалар ҳамда

⁴ Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательства и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. - с.19-83., Дўстжанов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997. - 129 б., Шепелев В.М. Очерки теории и практики развития предпринимательства. -Т.: Фан, 1998. -17 с., Амбарцумян А.А. Малые предприятия в системе экономических отношений в условиях перехода Узбекистана к рынку.: Автореф. дис ...канд. экон. наук. - Ташкент.: 1996. -27 б., Худайбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: икт.фан.ном. ...дис.автореф.Тошкент.1996.-22 б.,Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: икт.фан.док. ...дисс.Т. ЎзМУ. 2004. - 276 б.

⁵ Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. -380 с., Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: икт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б., Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. ...док.эк.наук. -Т.: ТГЭУ. 1993. -36 с., Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства.- Ташкент.: Фан, 1991., Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида): икт.фан.док.дис.автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 1998. - 46 б., Гулямов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. Т.: Ўқитувчи, 1995. - 154 с., Бегалов Б.А.Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш.: икт.фан. док. дисс....автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 2001. -36 б., Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: икт. фан. док. дисс....автореф. -Тошкент.: ТДИУ. 2005. - 41 б., Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): икт. фан. док. дисс....автореф. -Т.: ТДИУ. 2000.-38 б., Мухаммедов Ю.Қ. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари.: икт.фан.док. ...дисс.автореф.-Т.: ТДИУ. 2006. -38 б., Атаниязов Б.У.Управления развитием экономико-экологических систем. -Т.: Фан, 1998. - 124 с., Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика. - Т.: Fan va texnologiya, 2007. - 612 с., Абдуллаев А.М., Абдурахманов О.Х., Зокирова Н.К. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. -Т: Fan va texnologiya, 2007. - 575 с.

номутаносибликларни аниқлаш, кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларни илмий таҳлил этган ҳолда устувор йўналишларини аниқлаш каби илмий-назарий муаммолар, кичик бизнес генезиси ва ривожланиш қонуниятларини, антимонопол сиёсат, рақобатчилик муҳити ва механизмлари билан боғлиқликда тизимли таҳлил этиш, кичик ва йирик бизнеснинг кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш, ривожланган давлатларда иқтисодиёт тармоқлари тараққиёти барқарорлигини баҳолашда самарали қўлланилаётган усул ва моделлар ёрдамида республикамізда кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги ривожи ҳамда истикболларини баҳолаш, кичик бизнес субъектлари учун иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлигини зарарсизлик таҳлили ёрдамида аниқлаш, кичик бизнес субъектлари “ҳаётий циклини” узайтириш, уларни барқарор ва мутаносиб ривожланишини мониторинг қилиб бориш, республикаміз минтақаларида кичик бизнес ривожланиш тенденциялари, истикболларини баҳолаш каби илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш ва амалий тадбиқ этишга ҳақиқий зарурат туғилмоқда.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот методлари сифатида билишнинг диалектик усули, илмий мушоҳадалаш, мантикий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, монографик кузатиш, математик ва статистик гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятида инновацион ёндашув самарадорлигини аниқлаш ва модернизациялаш жараёнларидан самарали фойдаланиш механизмининг шаклланишини чуқур тадқиқ этишга бағишланган келгусидаги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, мамлакатмиз иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар самарадорлигини янада ошириш

борасидаги мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда, узоқ муддатга мўлжалланган истиқбол кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилиши мумкин.

Диссертацияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, етакчи иқтисодчи олимларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий монографиялар ҳамда илмий адабиётлар, турли даврларда нашр этилган расмий статистик тўпламлар маълумотлари ҳамда даврий матбуот нашрларидан манба сифатида фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кичик бизнесда самарадорликка эришиш юзасидан билдирилган фикрлар, шу масалага оид Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари, иқтисодчи-олимларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича олиб борган тадқиқотлари, уларда илгари сурилган ғояларнинг танқидий таҳлили ва улардан чиқарилган хулосалар тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини ташкил этади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши кириш, 3 та боб, 8 та бўлим, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. **Ишнинг кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, тузилиши ва ҳажми баён этилади.

Биринчи боб - “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, унда кичик бизнеснинг мазмун ва моҳияти, назарий жиҳатлари, таснифлари, самарадорлиги ва ривожланган мамлакатларда ҳамда республикамизда мулкдорлар синфининг шаклланиш хусусиятлари, чет мамлакатларда кичик

бизнесни ривожлантириш, молиявий, ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш шакллари, республикамизда кичик бизнесни ривожлантириш шарт-шароитлари, иқтисодиётимизда тутган ўрни ҳамда тараққиёт босқичлари тадқиқ этилган.

“Мамлакатимиз қишлоқ жойларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг самарадорлигини иқтисодий баҳолаш” номли **иккинчи бобда** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва вилоят қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш таҳлиллари қараб чиқилган.

“Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишининг истиқболли йўллари” номли **учинчи бобда** Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишлари ҳамда мамлакатимизда кичик бизнеснинг ривожланиш омиллари барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш йўллари, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларини моделлаштиришни ривожлантириш йўналишлари каби масалалар тадқиқ этилган.

Илмий ишнинг **хулоса ва таклифлар** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий ғоялар, илмий-амалий ишланмалар, таклиф ва тавсиялар келтирилган.

1 БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес назарияси шаклланиш асослари

Маълумки, марказлашган маъмурий бошқариш тизимида асосланган иқтисодиёт ўзининг ҳаётий эмаслигини, аҳолининг ўсиб боровчи эҳтиёжларини таъминлай олмаслигини собиқ иттифоқ иқтисодиёти мисолида яққол кўрсатди. Амалиёт бу тизимни юқори самара берувчи, инсон манфаатларига мос тушувчи ва унга хизмат қилувчи самарали иқтисодий тизим, яъни бозор тизими билан алмаштириш лозимлигини кун тартибига кўндаланг қилиб қўйди.⁶ Ҳозирги кунга келиб юқори даражада марказлашган иқтисодиётга эга бўлиб келган барча давлатлар мазкур тизимдан воз кечиб, бозор иқтисодиёти асосларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки, юқори даражада тараққий этган ва қудратли иқтисодиётга эга давлатлар айнан бозор муносабатлари орқали халқ фаровонлигини таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришдилар ва бу усулнинг ҳаётийлигини амалда исботладилар.

Албатта, бир қарашда бозор иқтисодиёти ютуқлари инсонда шубҳа туғдиради, чунки хаос жойлашган бозорда миллионлаган фирма ва уй хўжаликларининг локал равишда қарорлар қабул қилиши, иқтисодий ҳаракатлари тартибсизликка олиб келиши керак эди. Лекин, амалиёт кўрсатишича, бозор иқтисодиёти иқтисодий фаолиятни самарали ташкил қилиши натижасида умумий фаровонлик ошади⁷. Маълумки, бугунги кунда Ғарб мамлакатларида иқтисодиёт ҳусусида гап кетганда фақатгина бозор иқтисодиёти тушунилади. Дарҳақиқат, улардаги замонавий иқтисодий назарияларда бозор иқтисодиёти деганда иқтисодий ҳатти-ҳаракатларнинг эркин мустақил равишда юз бериши ва уларнинг бозор механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви ва бошқаруви тушунилади. Бундай

⁶ Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: Мехнат. 1997 й. 16-бет

⁷ Мэнкью Н.Г. Принципы экономика. - Санкт Петербург.: Питер, 1999 г. Стр. 14

бозор механизмига кўплаб таърифлар берилган Жумладан, бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқарилиб турувчи иқтисодиётдир⁸ деб бир гуруҳ олимлар таърифлашса, бошқа бир гуруҳ олимлар бозор иқтисодиёти деганда товар пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида бошқариладиган иқтисодиёт тушунилади⁹ деган фикрни илгари суришади. Бозор иқтисодиёти бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш, истеъмол ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир¹⁰ деган таърифлар ҳам мавжуд. Баъзи иқтисодчилар бозор иқтисодиётини товар муомаласи, иқтисодий алоқа усули деб ҳисобласалар, М.Расулов бозор иқтисодиётини иқтисодий тизимнинг барча хусусиятларини акс эттирувчи ва иқтисодиётнинг турли томонларига таъсир этиб, ўзига қамраб олувчи иқтисодий тизим деб таърифлайди. Ушбу фикрни П.Самуэльсон, К.Макконелл, С.Л.Брю, Ф.Котлер, А.Лившиц, Д.Черников каби иқтисодчилар ҳам илгари сурадилар.¹¹

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти ғоят кўп қиррали ва мураккаб иқтисодиётдир. Бозор иқтисодиётининг моҳиятини англаш учун унга хос бўлган туб белгиларни, айниқса, чекланган ресурсларни ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан яхлитликда олиб қараш керак бўлади.

Албатта, бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси – иқтисодий плюрализм ҳисобланади. Иқтисодий плюрализм шароитида хўжалик юритиш усуллари ва мулк шакллари турли-туман бўлади ва эркин ҳолда ривожланади. Ҳеч бир мулк шакли ҳукмронлигига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, бозор иқтисодиётида моддий ишлаб чиқариш жараёнида рўй

⁸ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент. Ўзбекистон 1995 й. 171-бет.

⁹ Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т. Меҳнат. 1997 й. 48-бет

¹⁰ Шодмонов Ш., Алимов Р., Жураев Т. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент. Молия. 2002й, 103-бет.

¹¹ Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т.:Ўзбекистон. 1999 й. 13-бет.

берадиган барча жараёнлар, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол либераллаштирилади.¹²

Бозор иқтисодиётининг яна бир муҳим белгиси - баҳолар либераллашувидир. Бундан ташқари, бозорнинг иқтисодий механизмида рақобат асосий ўрин эгаллайди ва у бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Бозор иқтисодиётининг реал амал қилиши учун профессор Ё.Абдуллаев таъкидлашича,¹³ биринчидан, иқтисодий субъектлар мустақил бўлиши, иккинчидан, бозор муносабатлари субъектлар ўртасида эркин, тенг ҳуқуқли ва кўнгилли асосда бўлиши, учинчидан, субъектлар ўз товар ва хизматларига мустақил равишда баҳо белгилаш ҳуқуқига эга бўлиши, тўртинчидан, бозорда томонлар, яъни сотувчи ва харидор бир-бирларини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бешинчидан, бозорда монопол мавқеи ҳукм суриши мумкин эмас.

Профессор Р.М.Нуреев эса, бозор иқтисодиётини – «хусусий мулк, эркин танлов ва рақобатга асосланган, шахсий манфаатларга таянувчи, ҳукуматнинг ролини чекловчи тизим» деб таърифлайди.¹⁴

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ўзбекистон истиқлол ва тараққиёт йўлида» - бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришишнинг йўлидир.¹⁵

«Ўзбекистон йўли» ва унга биноан республикамизда ўтказилаётган ислохотларини академик М. Шарифхўжаев таъкидлаганидек, «Ислом Абдуғаниевич ислохотлари» деб аталса ҳато бўлмайди. Чунки, ислохотларнинг илмий-назарий асослари ва йўналишлари И.Каримовнинг мамлакатимиз тараққиётига бағишланган қатор асарларида баён этилади.¹⁶

¹² Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т.: Мехнат. 1997 й. 50-бет.

¹³ Абдуллаев Ё.Бозор иқтисоди асослари.-Т.:Мехнат.1997,65-66 бетлар.

¹⁴ Нуреев Р.М. Курс микроэкономики. -Москва. Норма. 1999 г. стр.60.

¹⁵ Каримов И. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1993 й, 127-бет

¹⁶ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.:Мехнат, 2011.

Миллий андозаларимизнинг ўзига хослиги қуйидагилар билан ифодаланади: миллий тарихий турмуш тарзини ўзига хослиги, диннинг кишилар онига ўчмас мухрланганлиги, демографик вазият, миллий таркибнинг, қулай геосиёсий мавқеининг, табиий иқлим ва мавжуд салоҳиятнинг ўзига хослиги.

Жаҳон иқтисодиётига кўра, бозор иқтисодиёти ислохотларини ўтказиш назарияси ва амалиётида бир-бирига зид бўлган иккита концепция мавжуд: «градуализм» (инглизча «gradual» — босқичма — босқич) ва «шок терапияси». Градуализм — бу аста-секин, изчил ислохотларни ўтказиб бориш ва бозорни шакллантиришда ислохотчилик ролини давлатга беришни назарда тутадиган иқтисодий концепция. Ушбу концепция тарафдорлари фикрича, бозорни ташкил этиш учун давлат маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти унсурларини аста-секинлик билан бозор муносабатлари билан алмаштириб бориши керак. Градуалистлар фикрича, бу ўзгаришлар жараёнларини юмшатишга ва ишлаб чиқаришни, аҳоли турмуш даражасини кескин пасайиб кетишини олдини олишга имкон беради.¹⁷

Градуализмнинг яққол намунаси сифатида Хитойдаги ислохотларни айтиш мумкин. Ваҳоланки, Хитой посттоталитар турдаги ривожланган мамлакат бўлсада, унинг тажрибаси шу даража муваффақиятли намуна сифатида нафақат постсоциалистик, балки бошқа давлатларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан буён мана 25 йилдирки, Хитой ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаб, ҳар йили 10 % даражада ЯИМ ўсишига эришмоқда. Хитой дунёнинг ўнта етакчи давлатлари қаторига кириб улгурди ва яқин йилларда ғарбнинг илғор мамлакатларидан ҳам ўтиб кетиши кутилмоқда. Хитой раҳбарияти прагматик ёндашувлар тарафдорлари бўлиб, улар зарур деб топган жойда бозор муносабатларини, жумладан кичик бизнесни, кооперацияларни рағбатлантиряпти, зарур деб топган жойда эса давлат назоратини ҳам сақламоқда. Бугунги кунга келиб, 31,2 млн.дан ортиқ

¹⁷ Чепурина М. И., Киселева Е.А. Курс экономической теории. Киров, АСА, 1999 г. стр. 696.


кооперативлар, кичик корхоналар нафақат катта шаҳарлар, балки чекка аҳоли ҳудудларида ҳам бевосита давлатнинг қўллаб-қувватлаши орқали Хитой иқтисодиёти мўъжизасининг локомотивлари бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса бизнинг «Ўзбек модели»даги «Давлат бош ислохотчи» тамойилига тўла мос келади. Бундан ташқари, Ўзбекистон танлаган йўли ҳам градуализмдир.

«Ўтиш даври иқтисодиёти» тушунчасини янгилиги шу билан боғлиқки, у «эски» маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг бозор иқтисодиётига ўтиш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда вужудга келди, чунки янги бозор муносабатларини йўлга қўйишнинг фавқулодда мураккаблиги амалда уни бир зумда амалга ошириш мумкин эмаслигини кўрсатади. Шу сабабли, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янгича иқтисодий муносабатлар – бозор муносабатларини, жамиятнинг янги иқтисодий, мулкый заминини шакллантиришни назарда тутувчи ўтиш даври иқтисодиёти деб аталувчи босқични вужудга келтирди.

Бизнинг фикримизча, ўтиш даври иқтисодиёти шаклланиши ва тараққиёти, жараёнларининг асосий босқичларини куйидагича чизмада ифодалаш мақсадга мувофиқ (1.1-расм).

1.1-расм

Ўтиш даври иқтисодиётининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнлари босқичлари¹⁸



Расмдан кўринадики, биринчи босқич маъмурий-буйруқбозликка асосланган эски ишлаб чиқариш муносабатларини бузилиши, аста-секин

¹⁸ Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т.: Меҳнат. 1997 й. 50-бет.

ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол доираларини қамраб оладиган янги бозор муносабатларининг шакллантирилиши билан характерланади. Бу босқичда буйруқбозлик тизими қолдиқлари ўрни ҳали анча кучли.

Бизнинг фикримизча, ўтиш даври узок муддатли жараён сифатида шартли равишда иқтисодий ислохотлар, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш каби оралиқ босқичларни ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ўзига хос энг муҳим қонуниятига айланган ўзгаришлари сифатида учта ўзгаришни қараш мумкин:

- ресурсларни яқка тасарруф этиш вазифасининг давлат «қўлдан кетиши»;
- бюджет инқироzi ва трансформацион пасайиш;
- янги мулк шаклидаги йирик ва кичик хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши.

Ўтиш даврининг муҳим жиҳатларидан бири-тадбиркорликнинг юзага чиқиши ва намоён бўлишидир. Тадбиркорлик - ишбилармонлик фаоллигини юритиш, амалга ошириш санъати, фикрлаш жараёнидир. Тадбиркор – бу тадбир билан пухта ўйлаб иш қиладиган киши. Тадбир бирон ишни амалга ошириш воситаси. Тадбиркорлик – пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқарилган амалий чоралар асосида иш тумоқ демакдир.¹⁹

Тадбиркорлик - амалдаги қонунларга мувофиқ даромад олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти.²⁰

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва.1981.106-бетлар

²⁰ «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни \Халқ сўзи, 1999 й, 22-январ.

Ҳар қандай фаолиятнинг бош мақсади – фойда олишдир. Аммо, ҳар қандай фойда оладиган фаолият тадбиркорлик бўлмайди. Масалан, яширин бизнес, «партизан тадбиркорлик», ғайри қонуний бизнес, қаллоблик, товламачилик, ўғрилик, фоҳишалик, тиламчилик, босқинчилик, наркобизнес, рэкет, солиқларни яшириш, норасмий фаолият юритиш ва ҳ.к.

Тор маънода, тадбиркорлик фаолияти - фақат иқтисодий соҳанинг турли - туман даражаларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни соҳибкорликни ифода қилади. Кенг маънода эса, молиявий, савдо соҳасидаги фаолиятларни, товар ёки хизматни яратишдан тортиб, уни сотишгача ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишгача бўлган босқичларни қамраб олади.

Ҳозирликча бир неча йиллардан буён эҳтиёж бўлсада, на хорижда ва на бизда умумқабул қилинган тадбиркорликнинг иқтисодий назарияси яратилмаган. Тадбиркорлик фаолияти назариясининг ривожланишидаги "уч тўлқин"- тадбиркорлик амалиётини илмий англаш жараёнини ривожланишини шартли равишда тавсифлаши мумкин.

“Тадбиркор” тушунчасини биринчи марта XVIII аср бошида иқтисодиёт назариясига киритган олим инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон бўлган. У тадбиркор сифатида муайян баҳоларда бировларнинг товарларини сотиб олиб, ўзига маълум ва номаълум бўлган баҳоларда сотиб, номаълум ва белгиланмаган миқдорда даромад олувчи кишини тушунган.

"Биринчи тўлқин" XVIII пайдо бўлган бўлиб, у тадбиркор томонидан амалга ошириладиган таваккалчилик жараёнлари, яъни тадбиркорнинг таваккалчилик хусусиятлари билан боғланган. Айнан иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига оид дастлабки тадқиқотлар ҳам XVIII асрда Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кенэ, А.Смит ва Ж.Б.Сей асарларида амалга оширила бошланганди.

Келиб чиқишига кўра, шотландиялик бўлган, француз иқтисодчиси Р.Кантильон "биринчи тўлқин" нинг асосий намоёндаларидан бўлиб, у тадбиркорликнинг муҳим тавсифий хусусиятларидан бири сифатида таваккалчиликни ажратиб кўрсатади. Р.Кантильоннинг фикрича, “тадбиркор

- воқеа ва ҳодисаларни олдиндан кўра билиш хусусиятига эга бўлган, ўз зиммасига барча масъулиятни олиб таваккал қилувчи, ўз хатти-ҳаракатлари туфайли даромад олишга умид қилувчи ва ҳар қандай йўқотишларга тайёр бўлган ихтиёрий бир шахсдир.”

"Биринчи тўлқин" нинг давомчилари сифатида XIX асрдаги немис классик намоёндалари Й.Тюннен ва Г.Мангольдтни ҳамда АҚШлик иқтисодчи Ф.Найтни айтиш мумкин. Р.Кантильондан кейин неоклассик мактаб намоёндалари асарларида таваккалчилик асосида рақобатлашиб, савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона эгасини тадбиркор деб ҳисоблай бошладилар. Бундай талқинда тадбиркорнинг даромадига “таваккалчилик учун тўлов” деб қаралди.

Тадбиркорликни илмий англаш жараёнининг "иккинчи тўлқин" и тадбиркорликни асосий хусусияти сифатида инновацион фаолиятни ажратиб кўрсатиш билан боғлиқ бўлади. Бу оқимнинг асосчиси жаҳон иқтисодий илмларининг йирик намоёндаларидан бири тадбиркорлик назариясига муҳим ҳисса қўшган Австрия иқтисодчиси Й.Шумпетердир. У ўзининг 1912 йилда ёзган “Иқтисодий тараққиёт назарияси” номли китобида тадбиркорни “ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг янгича комбинацияларини амалга оширадиган ва шу билан иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган киши” деб атайди. Янги комбинацияларни амалга ошириш деганда турли хилдаги янгиликларни киритиш, янги нарсаларни ишлаб чиқариш, илгари номаълум бўлган ёки янги сифатдагиларни яратиш, янги технологияларни киритиш, маҳсулот сотадиган янги бозорларни, хом-ашё манбаларини ўзлаштириш, хўжалик фаолиятида ташкилий ўзгаришлар яратилишларни амалга оширишни назарда тутган эди.

Шумпетер фикрича, агар янги комбинациялар амалга оширилмайдиган бўлса, у ҳолда тадбиркорлик тўғрисида гапиришга асос йўқдир.

Шумпетер фикрича, тадбиркорлик энг аввало иқтисодий соҳада намоён бўлса ҳам, бу ҳодиса кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлмай, психологик воқеликдир.

Кенг маънода кишининг тадбиркорлик ҳолати – бу ташаббускорлиги, новаторлиги, манфаатдорлиги, ишга эскича эмас, янгича ёндашишидир.

Й.Шумпетер тадбиркорни иқтисодий ўсишнинг табиий омили сифатида “...ижтимоий - иқтисодий тараққиётда доимо марказий ролни ўйнайдиган шахс” - деб таърифлайди. Й. Шумпетер тадбиркор фаолиятида 3 та мақсадли мотивларни ажратади:

1) хўжайинликка, ҳокимиятга бўлган интилиш;

2) муваффақиятга нисбатан иродали бўлиш, рақиблари билан ва ўз-ўзи билан бўлган курашда ғалабага интилиш;

3) мустақил иш юритиш туфайли олинадиган ижод қувончи, лаззати.

Й. Шумпетер ва унинг издошлари бўлган неоавстрия иқтисодий таҳлил мактабининг кўзга кўринган намоёндалари Л.Мизес, Ф.Хайекалар "учинчи тўлқин" асосчилари ҳисобланади. Уларнинг фикрича “...тадбиркорнинг иши нафақат янги технологик усулларни тажриба қилиш, балки мавжуд усуллар ичидан кишилар учун айнан зарур бўлган нарсасини энг қулай, энг арзон баҳода таъминлай оладиганини танлашдир.”

Нобел мукофотининг совриндори, инглиз иқтисодчиси Ф.Хайек фикрича, тадбиркорлик бу бирон касб билан шуғулланиш эмас, бу хўжалик субъектининг ҳатти-ҳаракатидир. Ф.Хайек тадбиркорликни иқтисодиёт соҳасидаги янада фаолроқ кўринадиган ижтимоий-психологик воқеа деб билади.

"Учинчи тўлқин" нинг асосий ғояси шундаки, унда тадбиркорнинг муҳим шахсий фазилатлари диққат марказида туради. Л. Мизес ва Ф.Хайекнинг ғояларини АҚШ лик иқтисодчи И. Кирцнер ривожлантирди ва унинг асарларида “тадбиркор - бозорни мувозанатга келтирувчи куч сифатида талқин этилади”.

Тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги босқичини шартли равишда “тўртинчи тўлқин” га мисол қилиш мумкин. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, олдинги даврлардан фарқли равишда ҳозирда бировларнинг пули эвазига тадбиркорлик қилиш таомил тусига кирган, яъни интеллектуал

капитал билан молиявий капитал қўшилиши натижасида тадбиркорлик амалга оширилади. Бунга эса “антрепренерлик” дейилади (инглизча “интракапитал” сўзидан келиб чиққан, луғавий маъноси “ёт пул”, бировнинг пули демакдир).

Проф. Ё.Абдуллаев республикамизда эса КБХТ нинг тараққиётини бир неча тарихий даврларга бўлиб ўрганишни тавсия қилади²¹:

Биринчи давр – вужудга келиш даври бўлиб, XIX аср учинчи чорагидан 1917 йилгача давом этган. Ушбу даврда сармоядорлик тизими шакллانган. 50 мингдан ортиқ ҳунарманд ва косиблар ишлаган. 110 минг киши банд бўлган. 350 га яқин кичик ва ўрта корхоналар мавжуд бўлган.

Иккинчи давр – стагнация (турғунлик) даври 1918-1985 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда якка ҳунармандлар ва косиблар 0,1 % га етмаган ва ҳатто ҳисоботларда кўрсатилмаган. Ушбу йилларда колхозлаштириш, совхозлаштириш, гигантлаш тенденцияси ҳукм сурган.

Учинчи давр – жонланиш даври 1985-1991 йилларни ўз ичига олади. 1991 1 январ ҳолатига 9,7 минг ширкатлар, 61,5 мингта икки вазифани бажарувчилар мавжуд эди. Кўшма корхоналар эса 30 тага етди, якка татибда 1,1 млн. киши, шахсий ёрдамчи хўжаликларда эса 1 млн. киши банд эди.

Тўртинчи давр – тикланиш даври мустақилликдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, 300 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, 200 мингдан ортиқ деҳқон, фермер хўжаликлари, 1000 дан ортиқ қўшма корхоналар мавжуд. 200 дан ортиқ қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, инфратузилма шаклланди. Банклар, молия ва солиқ тизими, суғурта ва аудиторлик фирмалари, инвестиция жамғармалари, консалтинг, инжиниринг, солиқ тизими ва ҳ.к. шаклланди.

Биз бу борадаги мавжуд изланишлар ва проф.Ё.Абдуллаевнинг фикрини тўлдирган ҳолда, республикамиз ҳудудида бевосита КБХТ нинг ўзига хос ривожланиш босқичларини яхлит бир тизимини ишлаб чиқдик (1.2-расм).

²¹.Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.Т.:Меҳнат. 2000 й.

Ўзбекистон ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари²²

I босқич (1989-1991 йй.): илмий-техник ижодиёт марказлари, кооперативлар шаклида дастлабки тадбиркорлик тузилмаларининг пайдо бўлиши, тадбиркорликнинг тажрибавий тавсифи ва кам сондаги жараён иштирокчилари, республикамизнинг мустакиллик эришиши, Қомусимизда хусусий мулкнинг эътироф қилиниши, бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этувчи бир қатор Қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан хусусий мулк негизда тадбиркорликнинг шакллана бошлаши. Бу давр кичик бизнес инфратузилмаси ва институционал қўллаб-қувватлашнинг, унинг ЯИМ даги улушининг деярли йўқлиги билан тавсифланади.

II босқич (1992-1997 йй.): бозор муносабатларининг пойдевори қўйилиши, иқтисодий ислохотлар ва хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши, кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи илк инфратузилмалар “Бизнес-фонд”, “Мадад” суғурта агентлиги, “Тадбиркорбанк”, “Бизнес мактаб” ва “Бизнес-инкубатор”лар тармоғи ва ҳ.к.ларнинг ташкил этилиши эвазига кичик корхона ва кооперативлар сонининг тез ўсиши билан тавсифланади. Ушбу даврда фаолият юритаётган субъектларнинг аксарияти савдо соҳасига тўғри келар эди.

III босқич (1998-2001 йй.): ушбу давр республикамизда макроиқтисодий барқарорликка эришиб, иқтисодий ўсишнинг бошланиши, давлат ва минтақа даражаларида кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи турли муассасаларнинг ташкил этилиши, тадбиркорлик таснифланишининг ўзгариши, синаётган ва фаолият юритмаётган субъектлар сонининг ортиши, хусусийлаштириш, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг бошланиши, солиқ юкининг камаю бошлаши, мамлакат ЯИМ да, иқтисодиёт тармоқларидаги фаолият юритаётган субъектлар ва иқтисодиётда бандлар сонидида кичик бизнес улушининг орта бошлаши билан тавсифланади.

IV босқич (2002-2006 йй.): ушбу давр макро ва микродаражада кичик бизнесни ҳар томонлама рағбатлантиришнинг кучайиши, соҳа таснифининг ўзгариши, соддалаштирилган «бир йўла» рўйхатга олиш, сертификатлаш, стандартлаш, лицензиялаш, рухсат беришнинг жорий этилиши, фаолият юритмаётган субъектлар улуши катталиги, солиқ юкининг камайиши, ЯИМ да сектор улушининг янада ортиши, иқтисодиёт тармоқларида субъектлар оптимал нисбатининг шаклланиши, касаначилик асосидаги кооперация, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожлана бошлаши билан тавсифланади.

V босқич (2007 йилдан – ҳозирги вақтгача): ушбу давр бизнесни ихтиёрий тугатиш, турли ресурсларни эркин сотиб олишнинг соддалаштирилиши, техник ва технологик модернизациялаш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг солиқ юки, фаолият юритмаётган субъектлар сони камайиши, иш ўринлари яратишда касаначилик улушининг ортиши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг янада ривожланиши, “2007-2010 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳудудий дастурлари” ишлаб чиқиши билан тавсифланади.

²² Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Меҳнат. 2000 й.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади: Мулк муносабатларининг уйғунлашуви, тадбиркорларга ўз қобилиятини тўла намоён этиш учун қуйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши, бозорнинг очиклиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, иш кучи, хом ашё ҳаракати учун сунъий тўсиқлар йўқлиги, бозор инфратузилмасининг мавжудлиги, тадбиркорлик учун ҳуқуқий кафолатнинг мавжудлиги, яъни тадбиркорликни ҳимояловчи қонунчиликнинг мавжудлиги, янги корхоналарга кадрлар тайёрлаш, кредит олиш, солиқ тўлаш, табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан берилган имтиёзлар ва ҳ.к.

Тадбиркорликни ривожлантириш ўз навбатида муайян бир ижтимоий ҳолатни - тадбиркорлик муҳитини бўлишини тақозо этади.

Мустақилликнинг илк йилларида республикада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес (КБ) субъектлари иши тажрибаси, уларнинг йирик корхоналарга нисбатан бир қатор афзалликларга эга эканлигини кўрсатди. Уларда йирик корхоналарга нисбатан ишлаб чиқариш ва бозордаги ўзгаришларга мувофиқ ҳолда иш олиб бориш имкониятларининг кенглиги, янги техника ва технологияларни тезда жорий қилиш имконияти, янги ишлаб чиқариш қувватларини ҳосил қилиш ва улардан унумли фойдаланиш каби қатор яхши мезонлар кўп. Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқлайдики, КБ субъектлари тармоғини ривожлантириш турли товар бозорларида йирик бизнес билан ҳақиқий рақобатни бошлаш, катта шаҳарларда ва айниқса қишлоқларда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишга имкон яратади.

Таъкидлаш жоизки, кундалик иқтисодий ҳаётимизда КБ нинг олдинги сафга чиқиши тасодиф эмас. Чунки, собиқ буйруқбозлик тизимида ривожланган давлатлар иқтисодиётида ҳам йирик ишлаб чиқариш ҳукмронлик қилди. Бу сиёсат ишлаб чиқариш ҳаражатларини сезиларлича қисқартиришга, гигантларга ўз монопол ҳолатидан фойдаланиб бозорни катта сериядаги “сифатли” товарлар билан тўлдиришига имкон берди.

Кичик бизнес ИТТ ни локомотиви сифатида тўхтовсиз ривожланишини таъминлаш, ҳудудий, тармоқдаги ва тармоқлараро муаммоларни ҳал этиш, ўтиш даври шароитида чуқур таркибий ўзгаришлар сабабли халқ хўжалиги тармоқларида бўш қолган ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш, йирик корпорацияларга нисбатан тасодикий иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳодисаларнинг салбий таъсирини камайтириш, йирик фирмалар эгалламаган бозорнинг тақчил қисмини тўлдириш, жамиятнинг фаол, эркин ишлаш лаёқатли аъзоларига ўз билим ва тажрибаларини синаб кўриш имкониятларини яратиб бериш каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради.

Кичик бизнес жуда қисқа муддатларда тақчил маҳсулот турини ишлаб чиқаришни тез ташкил этишни таъминлаганлиги, ҳудудий истеъмол талабларини маҳаллий хом-ашёни, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича қондирганлиги учун ИТТ ривожланишига олиб келади.

1.2. Кичик бизнеснинг самарадорлиги ва мулкдорлар синфининг шаклланиши

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тизимининг негизини мулкчилик муносабатларини қайта қуриш ташкил қилади, буни амалга оширмай туриб, республикамизнинг амалий, иқтисодий суверенитетини, корхоналарнинг самарадорлигини охир оқибатда ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Бу жараёнлар хўжалик муносабатларида, аҳолининг ижтимоий таркибида, унинг турли табақалари даромадлари ва мулкӣ ҳолатида жиддий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиб, иқтисодий номутаносибликка ва ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик учун мулкчиликнинг хилма-хил шаклларида босқичма-босқич ўтиб борилади. Иқтисодиётда мулкчиликнинг турли-туманлигини шакллантиришнинг зарурлигини қайд қилган ҳолда республикамиз Биринчи Президенти И.Каримов қуйидагича таъкидлаган: “...биринчи галдаги асосий вазифа - мулкдорлар синфини шакллантириш

масаласини тубдан ҳал қилиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни - хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак.²³ Бу мақсадни амалга оширишга бир қатор восита ва йўналишлар орқали эришиш мумкин бўлиб, улар орасида КБ ни ривожлантириш алоҳида ўрин тутди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик, айниқса КБ нинг иқтисодиётдаги аҳамияти узоқ вақт мобайнида эътироф этилмай келган эди. Хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимида асосланган мамлакатларида интенсив тарзда йирик ишлаб чиқариш ҳукмрон бўлиб, бу ҳол йирик корхоналарнинг нисбатан самарадорлиги, уларни марказдан туриб режалаштириш ва бошқаришнинг қулайлиги каби даъволар билан изоҳланар эди. Бироқ, жаҳон хўжалик юритиш амалиёти йирик ишлаб чиқаришнинг яқка ҳукмронлиги иқтисодий тараққиётни таъминлай олмаслигини, аксинча, кўп ҳолларда иқтисодиётнинг ҳаракатчанлигини сусайиши, хўжалик алоқаларининг издан чиқиши, ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатлари ва қизиқишларини бўғиб қўйилиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқаришини исботлади. Шунга кўра, эндиликда жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Чунки, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик фаолияти асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланиб, инсоний ресурсларнинг таркибий қисмини ташкил қилади ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмалари йирик ишлаб чиқаришга ҳаракатчанлик бахш этади.

Ўз даврида А. Смит тадбиркорга қуйидагича таъриф беради: “Тадбиркор - хўжалик юритиш таҳликасини ўз зиммасига олувчи капитал эгасидир». Ж.Б.Сей фикри бўйича эса, тадбиркор бу ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштирадиган ёки иқтисодий ресурсларни паст унумдорлик ва

²³ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999 . 32-бет.

фойдалилик соҳасидан юкори фойдалилик ва унумдорлик соҳасига йўналтирадиган иқтисодий гумаштадир.²⁴

Америкалик олим, профессор Роберт Хизрич тадбиркорликка куйидагича таъриф беради: “Тадбиркорлик - қийматга эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёнидир, тадбиркор ўзининг бор кучи, вақтини шу жараёнга сарфловчи, жараёни амалга ошириш учун молиявий, руҳий, ижтимоий таваккалчиликни зиммасига оловчи, эвазига мукофот сифатида пул, қониқиш оловчи кишидир”.²⁵

Англиялик профессор Алан Хоскингнинг таъкидлашича: “Тадбиркор - бу ўз ҳисобига иш юритувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва зарур маблағлар билан таъминлашдаги масъулиятни ўз гарданига олган мустақил қарорлар қабул қилувчи шахсдир”.²⁶

Профессорлар К. Макконелл ва С. Брюлар тадбиркорликни, асосида узлуксиз шартлар ва талаблар ётувчи муҳим фаолият тури сифатида қарашади. Биринчидан, тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва “катализатор” вазифасини бажаради. Иккинчидан, бизнесни юритиш жараёнида у қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади. Учинчидан, тадбиркор - ташкилотчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади. Тўртинчидан, тадбиркор бу таҳликага борувчи инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, ҳиссадорлари қўшган маблағлар билан ҳам таҳликага боради.²⁷

Россиялик академик Л.И.Абалкин ҳам тадбиркорликни фаолиятнинг ўзига хос тизими сифатида қатор афзалликларга эгадир деб таъкидлайди. Бу афзалликлар иш йўналиши ва усуллари танлаш эркинлиги, мустақил қарорлар қабул қилиш, фойда олиш, қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлик ва ҳоказолардир. Л.И.Абалкиннинг фикрича, етарли

²⁴ Шамхалов Ф. Роль предпринимателя в рыночной экономической системе. -М., Маркетинг. 1997. N 3. с. 95.

²⁵ Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. // Вып.1. М., 1991, С.20 .

²⁶ Хоскинг А. Курс предпринимательства. -М., 1993, с.28

²⁷ Макконелл К., Брю С. Экономика. Принципы, проблемы и политика. М: Республика, 1992, с.38.

ривожланган бозор хўжалиги тадбиркорликни ривожланишининг негизи ҳисобланади²⁸. Бошқа бир Россиялик олимлар иқтисодиётнинг бозор ва нобозор секторга бўлиб ўрганишни таклиф этади.²⁹

Иқтисодиётнинг нобозор сектори деганда, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариб, уларни истеъмолчиларга бепул ёки бозор баҳолардан жуда паст баҳода берувчи институционал бирликлар тушунилади. Бундай мезонларга нотижорат ташкилотлари, уй-хўжаликлари, касаба уюшмалари ёки масжидлар, ёки асосан давлат бюджетидан молиялаштирилувчи (мактаб ёки касалхоналар) ҳамда ихтиёрий бадал ва хайриялар, миллий ва хорижий иқтисодиёт резидентлари томонидан бошқа трансфертлар эвазига молиялаштирилувчи ташкилотлар киритилади. Нобозор институционал бирликлар ўз фаолиятдан бозор даромадлари олишлари мумкин, аммо бозор даромадларини олиш бундай ташкилот иқтисодий хулқ-атворини белгиламайди.

Россиялик олимлар бозор ва нобозор секторга тегишли КБ субъектларининг нисбатларини бир нечта иқтисодий кўринишлари бўйича таққослаб, уларни «барқарор», «нобарқарор» ва «чириётган» кичик бизнес субъектларига ажратишади. Кичик бизнес субъектларини ривожланиш даражаларига кўра, муаммоли (юқори қарзли (34,6 %), оператив зарарли, кўшимча қиймат ишлаб чиқарувчи), ўрта (минимал оператив зарарли, кўшимча қиймат ишлаб чиқарувчи 43,6%) ва муваффақиятли (кўшимча қиймат ишлаб чиқарувчи, оператив фойдага эга бўлган, қарзи кўп бўлмаган) кичик бизнес субъектларига ажратиб таҳлил қилишади.³⁰

Профессор В.Шепелев тадбиркорликни кенг ва тор маъносини фарқлайди. Унга кўра, кенг маънодаги тадбиркорлик ижтимоий субъект олдида турган, унинг шахсий омиллари (мулк, ижтимоий ва ақлий қобилият, билим, тажриба, ижтимоий муҳитда тутган мавқеи, унга берилган ҳуқуқлар,

²⁸ Абалкин Л.И. Заметки о российском предпринимательстве. – Прогресс-Академия, 1994, с. 12 .

²⁹ Ясин Е., Пономаренко А, Косыгина А. Нерыночный сектор в экономике России. \ \ Вопросы экономики. 2002, № 6, стр.108-119.

³⁰ Гурков И., Аврамова Е., Тубалов В. Факторы создания добавленной стоимости Российскими предприятиями. \ \ Вопросы экономики. 2002, № 6, стр.120-132.

оқибатларини олдиндан билган ҳолда шахсий ҳаракатлар)дан фойдаланиш асосида бевосита иштироки орқали рўёбга оширилувчи мақсадга эришишга йўналтирилган, шахсий манфаатга асосланган интеллектуал фаолиятдан иборат бўлиб, у бошқа субъектларнинг топшириқларини бажаришга мослашган шунчаки ижрочилик фаолиятидан ҳар хил соҳаларда олиниши мумкин бўлган энг янги ва яхши натижаларга эришишга қаратилган ташаббускорлиги билан фарқ қилади. Тор маънодаги тадбиркорлик фаолияти фақат иқтисодий соҳанинг турли-туман даражалари - оила хўжалигини юритишдан тортиб, товар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишгача бўлган жараёнлар билан боғлиқ.³¹ Баъзи иқтисодчилар эса, тадбиркорлик – бу инсон мақсадларини рўёбга чиқариш ва фаоллигини ошириш йўналишларидан биридир деб ҳисоблашади.³²

АҚШ иқтисодий адабиётларида кичик бизнеснинг аҳамияти кўп йиллардан бери турли тарзда талқин қилиниб келинмоқда. Масалан, машҳур иқтисодчи Ж.Филлипс ўзининг “Америка иқтисодиётида кичик бизнес” номли китобида майда бизнес хусусида тўхталиб, майда мулкдорларга синф сифатида қараб келажакка шубҳа билан қарайди.³³ Унга қарама-қарши ўлароқ либерал - буржуа йўналишидаги иқтисодчи В.Адамс кичик бизнеснинг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади ва давлат-монополистик корхоналарининг майда ва ўрта корхоналар фаолият соҳасига аралашувини қаттиқ танқид остига олади.³⁴

Ғарбий Германиялик олим У.Гросс ҳам ўзининг “Катта бозорда кичик бизнес” номли китобида кичик, ўрта ва йирик ишлаб чиқаришни бир-биридан ажратиш мезонлари хусусида тўхталади.³⁵

Россиялик профессор А. Орлов бу соҳани ўз ишини йўқотган, ҳарбий хизматдан истеъфога чиққанларнинг, оиланинг ёш ва қари аъзоларининг, жиддий “касал” ҳисобланган ижтимоий гуруҳларнинг ўтиш давридаги,

³¹ Шепелев В.М. Очерки теории и практики развития предпринимательства. Ташкент: Фан, 1998. С.17.

³² Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. иқт.фан.док.дисс.автореф. Тошкент.2005. 27-б.

³³ J. Philips. Little Business in American Economy. Urbana, 1958.

³⁴ W. Adams. Regulatory Courtmitten and Small Business. Law and Coutemporary Problems, Durham, № 1 1959.

³⁵ H. Gross. Small Business im Grossen Markt. Duseldorf, 1958.

ислохотлар давридаги яшаш ва соғайиш секторидир”³⁶ деб ҳам таъриф беради.

Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантиришда бошқарувни ташкил этишнинг ўрни, ноаниқлик шароитида кичик бизнес субъектларида бошқарув қарорларини қабул қилиш масалалари баъзи олимлар тадқиқотларида ёритилган.³⁷ Айрим илмий ишлар кичик бизнес субъектларида молия-кредит муносабатлари ва уларни жорий қилиш механизмлари билан боғлиқ муаммоларга бағишланган.³⁸ Йиллар ўтиши билан кичик ва ўрта тадбиркорлик иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий йўналишлари бўйича ҳар бир жамият ва иқтисодиётнинг “локомотиви” сифатида майдонга чиқади. Кичик бизнеснинг вужудга келиши маълум ижтимоий тузумга, умумий хусусиятларга эга бўлган мамлакатлардаги аниқ бир объектив сабабларга ҳам боғлиқдир. Биз шу ўринда кичик корхоналарнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, кичик корхоналарнинг ягона таърифи мавжуд бўлмай, у турли мамлакат ва тармоқлар учун турлича мазмун касб этади. Жумладан, жаҳоннинг 75 мамлакатаида кичик корхоналарнинг 50 дан ортиқ статистик ўлчовлари ҳисобга олинади.³⁹

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик шакллари куйидаги чизмадагидек таснифлаш мақсадга мувофиқ (1.3-расм).


Тадбиркорлик фаолиятининг чизмада ифодаланган ҳар бир элементининг иқтисодий табиатини очиб бериш катта ҳажм тақозо этиши нуқтаи назаридан мазкур илмий иш имконияти даражасидан ташқаридадир.

³⁶ Орлов Й. Малое предпринимательство: старые и новые проблемы. М., ВЭ. 1997. № 4. С 130.

³⁷ Суюнов Д.Х. Кичик бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари. иқт. фан. ном. дис. автореф. Тошкент: 2004. - 21 б..

³⁸ Сидикова З.К. Кичик бизнес корхоналарида молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш йўналишлари. иқт. фан. ном. дис. автореф. Тошкент: 2003. - 20 б.

³⁹ Шапиро А.М. Опыт функционирования мелких и средних предприятий в экономике развитых капиталистических стран. М., 1985.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти турларининг таснифланиши⁴⁰

Расмдан кўринадики, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик фаолияти фаолият йўналиши бўйича ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий, воситачилик

⁴⁰ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Меҳнат, 2011.

фаолиятларга, фаолият турлари сони бўйича бир ва кўп профиллига, фаолият мураккаблиги бўйича юқори технология ва билимларга асосланган, махсус билимлар талаб қилмайдиган ва талаб қиладиган, фаолиятнинг тармоқ йўналишлари бўйича саноат, агросаноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, илм-фан ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари тадбиркорлигига, фаолият юритишига кўра, легал, нолегал, фаолият давомийлигига кўра эса, бир ва кўп марталик, мавсумий ва доимий тадбиркорлик ёки бизнесга ажралар экан.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни таснифлашга назарий-услубий ёндашув мустақилликдан кейинги ўтган ўн тўрт йил давомида республикамизнинг қатор олимлари ишларида такомиллаштирилди.

1991-2006 йиллар давомида кичик бизнес субъектларини таснифлашнинг ҳукуматимиз тегишли Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Президент Фармонлари асосида 4 марта ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “Кичик бизнес субъектларини таснифлашнинг янги мезонлари тўғрисида” ги Фармонида биноан юқоридаги таснифлаш ўзгарди ва қуйидаги чизмадагидек кўринишни олди (1.1- жадвал).

Ушбу Фармонга кўра эндиликда «кичик ва ўрта бизнес» атамаси ўрнига «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» (КБХТ) атамаси ишлатиладиган бўлди, ўрта корхоналар эса бу таснифлаш доирасидан чиқиб кетди⁴¹.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистоннинг ўнлаб маҳсулотлари жаҳон бозорида ўз мавқеи ва харидорларига эга. Бу муваффақиятларда республикамизда фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг турли шаклларидаги кичик бизнес корхоналарнинг ҳиссаси каттадир.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305 сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармонида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Фармони.

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг гуруҳланиши⁴²

Тармоқ йўналиши	1992 йил 26-февралдаги иловага биноан	1995 йил 21-декабрдаги қонунга биноан	1998 йил 9 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан			2003 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан		
			Микрофирма	Кичик корхона	Ўрта корхона	Якка тадбиркорлар	Микро- фирма	Кичик корхона
Саноат	200 кишигача	50 кишигача	10 кишигача	40 кишигача	40дан 100 кишигача		20 кишигача	21 дан 100 кишигача
Курилиш					20дан 100 кишигача			21-50 кишигача
Кишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари	50 кишигача	25 кишигача			20-30 кишигача			
Улгуржи савдо	15 кишигача	5 кишигача	5 кишигача				5 кишигача	
Чакана савдо								
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш				100 кишигача	10 кишигача	10 кишигача		
Ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари	25 кишигача	10 кишигача			10-20 кишигача		10 кишигача	

⁴² Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Иқтисодиёт – молия, 2006.-320 б.

Уларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги салмоғи тобора ўсиб бормоқда. Аммо, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги рақобат жуда кескинлиги натижасида кўпгина корхоналарнинг “ҳаёт цикли” тез тугамоқда. Бу эса кичик бизнеснинг ўзига хос қонунидир. Фаолият бошлагандан кейинги биринчи беш йилликда ҳар 10 та корхонанинг 5 таси ўз фаолиятини тўхтатмоқдалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари қуйидагилардир: ҳаракат эркинлиги; истеъмолчилар билан мустақкам алоқалар; мослашувчанлик ва тезкор қарор қабул қилиш имконияти; ходимлар дастлабки тайёргарликни ўтайдиган “полигон” ҳисобланади; маҳаллий шарт-шароитга тез кўникади; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маҳаллий хом-ашё ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланади; операцион харажатларнинг камлиги; бошқаришнинг оддийлиги; келгусидаги агар иш яхши юришиб кетаверса, ишини катта фойда билан сотиб юбориши мумкин; катта бўлмаган меҳнат жамоаларида ишчиларда ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эғалик ҳисси туғилади; бир неча касб ва вазифаларни бирлаштириб, қўшиб олиб бориш; ихтисослаштирилган ва хусусийлаштирилган шароитдаги афзалликлари; юқори илмий-техника шароити ва ижодкорлик учун имконият.

Фикримизча, кичик корхоналар майда серияли ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда (иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш), корхоналар ва аҳолига, транспортнинг айрим турларига ҳар хил турдаги хизмат кўрсатишда ва чакана савдода самарали фаолият кўрсатар экан. КБХТ субъектлари тармоғини ташкил этиш зарурлиги қуйидаги ҳолатлар билан ҳам аниқланади: Биринчидан, иқтисодиётнинг бозорга ўтиш шароитида кўплаб корхона ва ташкилотлар иқтисодий ночор ҳолатга тушиб, ўз фаолиятини чеклаб ёки тўхтата бошлади. Натижада пайдо бўлган миллионлаб ишсизларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши қайтадан иш ўринларига эга бўлиш имкониятини яратди. Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлиши йирик корхоналар монополиясини чеклашга имкон беради, истеъмол товарлари бозорини шакллантиради, инфраструктура объектларини ривожлантиришни

тезлаштиради. Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг инновацион комплексининг асоси ҳисобланади. Ўта катта бўлмаган, тор йўналишли корхоналар янгиликларни жорий қилиш ва сотиш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланишади. Тўртинчидан, қўшма корхоналар ёрдами билан жалб қилинувчи хорижий сармоялар асосан унчалик катта бўлмаган маблағлар билан таҳликага боровчи кичик фирмаларга қўйилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орқали асосий иш вақтидан кейин меҳнат қилишни ҳоҳлаган пенсионерлар, ўқувчилар, уй бекалари, ногиронлар ва меҳнатга лаёқатли бошқа фуқароларни ишлаб чиқаришга, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш мумкин. Кичик бизнес субъектларида қўшимча ишчи ўринларини ташкил қилиш меҳнат ресурслари нисбатан ортиқча бўлган ҳудудларда жуда муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари барқарор ва мутаносиб ривожланиши учун унинг ўзига хос иқтисодий, ижтимоий-маъданий, демографик муҳитлари, уни ривожланишига, жойлаштирилишига таъсир этувчи ҳуқуқий омиллар (қулай ишлашга имкон берувчи ҳуқуқий-меъёрий база, қонунлар ва ҳужжатлар) ижобий таъсир этиши лозим.

Тадқиқотлар кўрсатадики, бозор муносабатларигина соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириб, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитлар туғдиради. Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларни мавжуд барча имкониятларни ишга солишга, “сув юзига қалқиб чиқишга” ундайди. Бу эса табиийки, кичик бизнес кенг қулоқ ёйишига олиб келади.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг асосий шартларидан бири бу мулкдорлар синфини шакллантириш бўлиб, ушбу синфнинг катта қисмини ташкил этувчи кичик бизнес мулкдорлари иқтисодиётнинг ўсишини, мамлакатнинг бой, аҳолининг фаровон бўлишини таъминлайди.

Республикамизда мулкдорлар синфининг шаклланиши қуйидагича йўллар билан амалга ошади. Биринчидан, давлатнинг қўллаб-қувватлаши натижасида томорқа хўжалиги ривожланиб деҳқон хўжалигига айланади ва унинг эгалар майда товарлар ишлаб чиқарувчи сифатида тадбиркорликка қўл

уриб, мулкдорга айланади. Иккинчидан, давлат мулкани хусусий жараёнида уни сотиб олганлар ёки текинга олганлар мулкдорга айланади. Учинчидан, ширкат хўжаликлари ташкил этилиб, пайчилик натижасида янги мулкдорлар - пай эгалари пайдо бўлади. Тўртинчидан, фермерлик ҳаракати ривожланиши орқали янги бир мулкдорлар қатлами – фермерлар пайдо бўлади. Айтиш керакки, республикамизда кўп укладли иқтисодиётни уч хил йўл билан шакллантирилади: хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш; майда хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; мавжуд хуфёна иқтисодиётни ошкоралаштириш, мавжуд майда бозор хўжаликларини ривожлантириш.

Тахлилларимиз шуни кўрсатадики, Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларга қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётганлиги иқтисодиётимизнинг юксалишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада фаровонлашишига сабаб бўлиб, 2016 йил якуний ҳисоботларига кўра уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 63,4 фоизни ташкил этди. Ёки ўтган йилнинг (63,2%) шу даврига нисбатан 0,2 бандга ошди.

Шунингдек, вилоятда рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 18783 тани ташкил этди. Шундан, 18390 нафари (жамига нисбатан 97,9 %) фаолият кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида 2549 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Кичик бизнес субъектлари ҳисобига 68,2 минг та янги иш ўринлари яратилди.

2016 йилда Фарғона вилоятида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1068,6 млрд. сўмлик (шундан, микрокредитлар 360 млрд. сўм) кредит маблағлари ажратилди ҳамда топшириқ режаси 131,7 фоизга бажарилди⁴³.

Республикамизда мулкдорлар синфини шаклланиши бевосита хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини яратилиши, иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар, чуқур иқтисодий ислохотлар натижаси ўлароқ, миллий маҳсулотда нодавлат секторининг улуши ортиб бормоқда (1.2–жадвал).

⁴³ Фарғона вилояти Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида нодавлат
секторнинг ривожланиш динамикаси (% да)⁴⁴**

Йиллар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда	10,0	15,9	51,0	52,0	63,6	70,8	75,8	78,6
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида	66,0	88,0	97,6	98,6	98,9	99,0	99,2	99,4
Асосий капиталга инвестицияларда	24,4	24,9	44,9	32,4	36,1	59,1	58,6	59,5
Қурилиш-пудрат ишларида	7,6	8,9	62,1	71,8	77,7	83,9	86,1	88,4
Чакана товар айланмасида	52,5	72,0	91,7	95,3	96,0	97,1	98,2	98,3
Пуллик хизматлар умумий ҳажмида	14,0	10,5	30,4	43,0	54,0	57,8	62,5	65,7

Кичик бизнес субъектларининг 2016 йил 1 январ ҳолатига нодавлат мулк шакллари жиҳатидан таркибини таҳлиliga кўра, республикамизда кейинги йилларда зарарга ишлаётган, истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатилиб, фермер, деҳқон хўжаликларига айлантирилиши туфайли нодавлат мулки асосидаги КБ субъектларининг қарийб 56,2 % ини фермер хўжаликлари, 29,6% ини хусусий, 9,0 % ини масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), 1,1% ини хорижий инвестиция иштирокидаги корхона (ХИИК) лар ва 2,7 % ини бошқа мулк шаклидаги корхоналар ташкил этади (1.4-расм).

1.4-расм

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектларининг нодавлат мулки шакллари жиҳатидан таркиби
(2016 йил 1 январ ҳолатига)⁴⁵**



⁴⁴ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Шаклланган мулкдорлар синфининг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланиб бориши учун ушбу синф ўз-ўзини такроран яратиб туриши лозим. Чунки, мамлакатни иқтисодий салоҳияти, қудрати айнан мана шу синф фаоллигига боғлиқ. Мулкдорлар синфининг мустаҳкамланиб, кенгайиши учун биринчидан, давлат қонун йўли билан хусусий мулкчиликнинг дахлсизлигини таъминлаши; иккинчидан, бизнесга солинадиган солиқ юкини камайтириши; учинчидан, давлат бозор баҳоларига аралашмаслиги керак.⁴⁶

Мулкдорлар синфини таркиби ҳам бир хил бўлмайди ва у бозор кучлари таъсирида табақаланади. Бундай табақалашув мулкнинг характери, фаолият тури, мулкнинг ҳажми ва топилган даромад миқдори жиҳатдан якка ва корпоратив мулкдорлардан ташкил топади.

Биринчи гуруҳга кичик корхона, микрофирма, якка тадбиркорлар, фермер хўжаликлари эгалари кирса, иккинчи гуруҳга эса қимматли қоғозлар ва акция эгалари киради. Биринчи секторда Ўзбекистон ЯИМ нинг деярли ярми яратилади. Уларнинг топган даромадлари бошқаларникидан деярли 3 марта кўп.⁴⁷ Аҳоли даромадининг кўп бўлиши, унинг кўп қисмининг жамғарилиб, инвестиция бўлишига олиб келади, чунки ихтиёрдаги даромад истеъмол ва жамғармага сарфланади⁴⁸, яъни

$$ИД = С + S \text{ бўлади,}$$

бу ерда, ИД-ихтиёрдаги даромад, С-истеъмол, S-жамғариш.

Масалан, АҚШда 40 % аҳоли қимматли қоғозларга эгалик қилади, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 4,8 % ни ташкил этади. Айтиш керакки, республикамизда кичик бизнесни кенг ривожлантириш ва мулкдорлар синфини шакллантириш учун қатор муаммолар мавжудки, буни назарий эконометрик таҳлил қилиши лозим. Маълумки, ривожланган давлатларда мулкдорлар синфи шаклланиб улгурган ва улар даромадларининг


⁴⁶ Ўлмасов А. «Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш» // Экономика и класс собственников. 2002. №3.

⁴⁷ Ғозибеков Д. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. -Тошкент.: Молия, 2000. - 134-207 бетлар.

⁴⁸ Мэнкью Г.Н.. Макроэкономика. Москва. МГУ:1994., Ҳакимова М.. Макроиқтисодиёт. Т.: Мехнат.1997 й


тақсимотини кўрадиган бўлсак, катта сонлар қонунига кўра, уларнинг даромадлари нормал тақсимотга идеал равишда яқин ҳисобланади (1.5-расм).

1.5-расм



Қолоқ давлатларда эса (ривожланиш жуда суст бўлган) аксинча ҳолатни кўришимиз мумкин (1.6-расм).

1.6-расм



Расмга кўра, бу давлатларда мулкдорлар синфи шаклланган, бойлар ва турмуш даражаси паст бўлган аҳолининг улуши жуда юқори.

Мамлакатда мулкдорлар синфининг юқори даражада шаклланиш жараёни тақсимот эгри чизигининг силжиб, эгилиши ва нормал тақсимот


⁴⁹ Хомидов С., Жўраев Х. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш.\\ Бозор, пул ва кредит.\\ №6, 2003й.

⁵⁰ Хомидов С., Жўраев Х. Ўзбекистонда кичик бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш.\\ Бозор, пул ва кредит.\\ №6, 2003й.

сари интилиб боришини ифодалайди. Бу ҳолат янги индустриал давлатларда кузатилмоқда (1.7-расм).

1.7-расм


Янги индустриал давлатларда даромадлар таксимоти⁵¹



Юқоридаги таҳлилни ёрқин намоён бўлишини Лоренц эгри чизиги ёрдамида ҳам билиб олиш мумкин (1.8-расм).

1.8-расм

Лоренц эгри чизиги⁵²



Ушбу чизма аҳолини, мулк эгаларини даромадлари бўйича табақаланишувини тақсимланишини ифодалайди.

⁵¹ Хомидов С., Жўраев Х. Ўзбекистонда кичик бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш.\\ Бозор, пул ва кредит.\\ №6, 2003й.

⁵² Хомидов С., Жўраев Х. Ўзбекистонда кичик бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш.\\ Бозор, пул ва кредит.\\ №6, 2003й.

Координата бошидан чиққан биссектриса идеал ҳолатда бўлиб, аҳоли ўртасида даромадлар тенг тақсимланишини билдиради. Эгри чизик идеал ҳолатидан узоқлашиб, ботиклашиб борган сари табақалашув, “нотекислик” чуқурлашади. ОВС учбурчакни OBS юзага нисбати “Жини коэффицентини ифодалайди.⁵³ Жини коэффиценти $1 < J_c < \infty$ ораликда ўзгаради ва мулкдорлар синфи шаклланганлигини қисман бўлсада ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Агар биз республикамизнинг собиқ маъмурий марказлашган тизим давридаги аҳолиси даромадлари билан мустақилликдан кейинги, қолаверса бугунги ислохотлар ва ўтиш давридаги даромадларини таққослайдиган бўлсак, ўртадаги фарқ ижобий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Ўтган аср 90-йилларида Собиқ иттифоқ даврида мамлакат бўйича ўртача маошдан Ўзбекистондаги кўрсаткич анча паст бўлган. Бунинг устига, собиқ тизимда кишиларнинг тадбиркорлик қобилиятлари, руҳи синдирилиб хусусий мулк катъиян ман этилган эди. Бугунги кунга келиб эса, республикамизда фаолият юритаётган қарийб 350 мингга яқин кичик бизнес субъектлари, фермер, деҳқон хўжаликларида миллионлаб кишилар банд ва ўз турмуш фаровонлигини орттираяпти. Бундан ташқари янги ташкил этилган минглаб янги майда мулкдорлар, якка тадбиркорлар, кичик корхона, микрофирма, деҳқон, фермер хўжаликларининг эгалари, давлат томонидан ажратилаётган ижтимоий трансфертлар ҳисобига республикамизда ҳам аҳоли даромадларининг тақсимланиши, янги индустриал давлатлардагига яқинлашиб бормоқда.

1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил

этишнинг хорижий тажрибалари

Кичик бизнес корхоналарини ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларини таҳлил қилган ҳолда, кўпчилик хорижий давлатлар учун

⁵³ Нуреев Р.М. Курс микроэкономики. Москва, 1999.стр.278., Симкина Л., Корнейчук В. Микроэкономика. Санкт Петербург,2002.стр.194.

характерли бўлган қуйидаги асосий йўллари қуйидагича ажратиб кўрсатиш ўринли:

1. Йирик корхона, фирма ёки концерндан таркибий бирликни ажратиш;
2. Ҳиссадорлар қизиқишлари доирасида ва молиявий назорат остида бир ёки бир қанча корхоналар (фирмалар) билан аниқ бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кичик ва ўрта корхоналар (фирмалар) ташкил қилиш.
3. Бир ёки бир қанча «жисмоний шахсларнинг» хусусий ташаббуси асосида кичик ва ўрта корхоналар (фирмалар) ташкил қилиш.⁵⁴

Кичик корхоналарни ташкил қилиш йўллари ва ташкил қилиш шакллари: танлаш маълум даражада таъсисчилар олдида турган мақсадлар, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Энди ривожланган мамлакатларда, Шарқий Европа мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналар ташкил қилиш ва улар фаолиятининг хусусиятлари тўғрисида батафсилроқ тўхталамиз.

АҚШ да кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолият соҳалари жуда хилма-хилдир. Кичик бизнеснинг анъанавий соҳаси бўлган-хизмат кўрсатиш соҳасида (53,5%) кейинги ўн йилликларда энг кўп иш ўринлари очилмоқда. Бу ўсишнинг ярмидан кўпи бандлар сони 500 кишигача бўлган корхоналар улушига тўғри келади. Булар асосан, соғлиқни сақлаш, маориф, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш корхоналаридир. Йирик корхоналар ёппасига, оммавий хизмат кўрсатиш каби катта жараёнлар билан иш кўради (саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги кийим-кечакларнинг катта партияларини ювиш ва тозалаш, аэропорт ва меҳмонхоналарда ишбилармонлар учун автомобилларга хизмат кўрсатиш). Йирик корхоналар хизматлар соҳасидаги корхоналар билан тез-тез ишбилармонлик муносабатларида бўлса, индивидуал равишда кишилар билан жуда кам муносабатда бўлишади. Бандлар сони бўйича иккинчи ўринни чакана савдо

⁵⁴ Дўстжонов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. Урганч. Хоразм, 1997. 33-бет.

эгаллайди (2,5 млн. қўшимча ишчи ўринлари). Бироқ бу ерда асосий ролни йирик фирмалар ўйнаб келган ва ўйнамоқда (фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва янгиларни ташкил қилиш бу тармоқ учун 75% қўшимча иш ўринларини берди). Америкалик мутахассисларнинг фикрича, «чакана савдони йирик бизнес назорат қилиб туради ва у истеъмолчиларнинг - юқори сифат, нисбатан паст баҳолаш каби қизиқишгалирига тўлиқ жавоб беради». АҚШ да кичик ва ўрта корхоналар жуда кескин рақобат шароитларида фаолият кўрсатишади. 1980-1990 йиллар мобайнида 5 млн. га яқин фирмалар очилди ва ўз навбатида 4 млн. га яқин фирма ёпилди. Банкротликнинг асосий сабабларидан бири бу ихтисослашмаган раҳбарликда ва унинг лаёқатсизлигидадир. АҚШ мутахассислари фикрича, бутун Америка иқтисодиётининг ривожланиши майда бизнеснинг гуллаб-яшнашига маълум даражада боғлиқ. Кичик бизнес давлат томонидан яхши қўллаб-қувватланади ва шунга суянади. 1953 йилда АҚШ Конгресси томонидан Кичик бизнес маъмурияти (КБМ) ташкил қилинди. Шу билан бир вақтда кичик бизнес ҳақида қонун қабул қилинди.⁵⁵

Кичик ва ўрта корхоналарнинг исталган мамлакат иқтисодиётига муваффақиятли кириб келиши учун, майда бизнес нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган маълум бир шарт-шароитлар зарур. Аввало, бу йирик ва майда корхоналар ўртасидаги рақобатни чеклашга тегишлидир. Рақобат корхоналар ўртасида тахминан бир хил катталиқда бўлгандагина, у ижобий роль ўйнайди. Кичик бизнеснинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш масалалари билан бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳар хил ҳукумат ва ҳукуматлараро ташкилотлар шуғулланишмоқда.⁵⁶

⁵⁵ Абатуров В и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. // Экономическое обозрение. // 2000, №3 (13), стр.5.

⁵⁶ ПРООН- (БМТ ривожланиш лойиҳаси) – турли мамлакатларда бизнес-инкубаторлар тармоғини, технопаркларни, халқаро бизнес-семинарларни ташкил этиш бўйича БМТ ривожланиш лойиҳаси; ЕТТБ, ОТТБ, ҚМК, Ислом Ривожланиш банки ва бошқа халқаро молия институтлари; Қимматли қозғалар бозорини, маслаҳат хизматларини ривожлантириш, бошқарув усулларини, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни такомиллаштириш бўйича ТАЪСИС, ЮСАИД дастурлари; Давлат Мулк Қўмитаси (ДМК), Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси (ТТП), Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси (ДФХУ), Кичик ва ўрта бизнесни ривожланишини рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат стандартлаштириш

Бизнинг фикримизча, кичик бизнеснинг ривожланиш жараёни бевосита у ёки бу мамлакатда амал қилаётган иқтисодий механизмлар ва тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, биз ривожланган капиталистик мамлакатларнинг рақам кўрсаткичлари ва кичик бизнес ривожланиш тажрибасини Ўзбекистондаги амалиёт билан таққослаганда, албатта институционал ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш даражаси, миллий иқтисодиётининг тармоқ тузилиши ва бошқа ижтимоий маданий хусусиятларини эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз. Масалан, АҚШ иқтисодиётида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда тармоқлар таснифланади: бандлик, хусусий корхоналар сони, уларнинг миллий даромаддаги улуши⁵⁷

Кичик ва ўрта корхоналарни ишлаб чиқариш тузилмаларига қўшилишига миллий хусусиятлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ғарбий Европа мамлакатларида бундай қўшилишларнинг бир қанча турлари ажратиб кўрсатилади.⁵⁸ Германияда 2 млн. кичик корхона ва ўрта фирмалар ЯИМнинг 50 % ини ишлаб чиқаради ва 66% бандликни таъминлайди. Италияда кичик ва ўрта корхоналар сони ЕИ (Европа Иттифоқи) давлатларининг кўпчилигидан анча юқори бўлиб, улар мамлакат иқтисодиёти негизини ташкил этади. ЕИ мамлакатларида умумий олганда кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши 67% дан ошади. Японияда жами банд аҳолининг деярли 80% и, ЕИ мамлакатларида 70% и ушбу секторда банд. 1961-2001 йиллар давомида АҚШ да кичик бизнеснинг мамлакат ЯИМ даги улуши 10% дан 52% гача ўсди. Францияда кичик фирмаларга ишчилар сони 10-50 кишигача бўлган, ўрта фирмаларга эса 50-500 ишчиси бўлган корхоналар тегишли бўлади.⁵⁹

Қуйидаги жадвалда баъзи мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланганлик даражасини кўриб ўтамиз (1.3-жадвал).

агентлиги, Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари, Ўзинвестлойиха, Бандликка қўмаклашиши ва бошқа нобюджет жамғармалари, бозор инфратузилмасининг бошқа давлат ва нодавлат институтлари

⁵⁷ Крутик А.Б., Горенбургов М.А. Малое предпринимательство и бизнес-коммуникации. 1998 г. Стр. 27

⁵⁸ Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б.

⁵⁹ Абатуров В. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. \Экономическое обозрение.\2000, №3 (13), стр.5.

1.3.-жадвал

Баъзи мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес(КЎБ)ни ривожланиш даражаси (2015 йил январ ҳолатига)⁶⁰

Мамлакатлар	КЎБлар сони (минг бирлик да)	хар 1000 кишига тўғри келувчи КЎБлар сони	КЎБларда бандларнинг умумий бандлар сонидаги улуши, % да	КЎБларнинг ЯИМ даги улуши, % да
Буюк Британия	2930	46	49	50-53
Германия	2290	37	46	50-54
Италия	3920	68	73	57-60
Франция	1980	35	54	55-62
ЕИ мамлакатлари	15770	45	72	63-67
АҚШ	19300	74	54	50-52
Япония	6450	50	78	52-55
Ўзбекистон	384	13,4	69,3	42,1 ⁶¹

Жадвалдан кўринадик, энг кўп кичик бизнес субъектлари сони бўйича АҚШ (19 млн. 300 минг) ва ЕИ мамлакатлари (15 млн. 770 минг), хар 1000 кишига тўғри келувчи кичик бизнес субъектлар сони бўйича АҚШ (74 та), Италия (68 та), Япония (50 та), бандликдаги улуши бўйича Япония (78%), ЕИ мамлакатлари (72%), Италия (73%) етакчилик қилади.

Маълумки, кейинги йилларда ҳам илмий, ҳам махсус, оммабоп нашрларда, мутахассислар, ишбилармон кишилар ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорлик атамасининг «кичик ва ўрта бизнес», «кичик ва ўрта корхоналар», «кичик бизнес субъектлари», «кичик бизнес тадбиркорлари», «Кичик бизнес иқтисодиёт сектори сифатида», «тадбиркорлик ва кичик бизнес» каби талқинлари учрайди.

Кейинги 10-15 йилликларда кичик ва ўрта корхоналар тадбиркорлар, олимлар, иқтисодчилар, сиёсатчиларни диққат эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Аммо, ҳозиргача умумқабул қилинган ўзимизда ва хорижда универсал равишда ишлатиладиган атама пайдо бўлгани йўқ. Хорижлик⁶² ва

⁶⁰ Блинков А. Условия регулирования малого бизнеса. //Российский экономический журнал. № 7, 1998 г.

⁶¹ 2014 йил статистик маълумотлари асосида келтирилган.

⁶² Brooksbank R. Defining the Small Business: A New Classification of Company Size/ - Entrepreneurship and Regional Development? 1991, №, p.17-13

МДХ⁶³ олимларининг ягона, умумлаштирилган таъриф ишлаб чиқишга қаратилган алоҳида уринишлари ҳам натижа бермаяпти. Айтиш керакки, баъзи соҳаларда жуда қатъий таъриф, баъзи масалаларда келишилган формал таъриф ҳам ишлатиш мумкин.

1.4-жадвал.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг турли таърифлари талқини

Т.р.	Муаллифлар	Кичик бизнес ёки тадбиркорлик тарифининг мазмуни
1.	Каримов И.А.	КБ иқтисодийётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи кучдир.
2.	Шарифхўжаев М. Ўлмасов А.	Тадбиркорлик- кишиларнинг моддий ва пул маблағларини амалда хўжалик оборотида тушириб, даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир.
3.	Ғуломов С.С.	КБ мамлакат тараққиётини белгилувчи муҳим омилдир.
4.	Ўлмасов А. Ваҳобов А.	Тадбиркорлик бозор иқтисодийётига хос бўлган махсус иқтисодий фаолият бўлиб, бу ишлаб чиқаришни ресурслар билан таъминлаш, уларнинг самарали ишлатилишини ташкил этиш йўли билан товар ва хизматларни яратиш, уларни бозорга етказиб бериш ва фойда олишга қаратилади.
5.	Шодмонов Ш.Ш. Ғофуров У.В.	Тадбиркорлик бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ижодкорлик, янгилик яратиш руҳи асосида ёндашиш билан боғлиқ фаолиятдир.
5.	Муфтайдинов Қ	Тадбиркорлик махсус ноёб қобилиятни талаб қилувчи, турли мулкчиликка асосланган ва фойда олишни кўзловчи фаолиятдир.
6.	Суюнов Д.Х.	Кичик бизнес бошқарувни ташкил этишнинг энг қулай тузилмасидир.
7.	Сидикова З.К	Кичик бизнес молия-кредит муносабатларини жорий қилишда энг осон ва қулай тузилма.
8.	Кантильон Р.	Тадбиркорлик таваккалчилик билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятдир.
9.	Шумпетер П.	Тадбиркорлик бировлар қилган ишни қилмаслик ва қилганда ҳам уларникидек қилиб қилмасликдир.
10.	Кирцнер И. Пиншо Г.	Тадбиркорлик бировларнинг капитали эвазига пул топиш, фойда олиш демакдир.
11.	Шамхалов Ф.И.	Тадбиркорлик – хавф хатар билан боғлиқ фойда ва қўшимча даромад олишга қаратилган фаолият.
12.	Мухин Ю.С.	Тадбиркорлик фуқаро ва турли мулкчиликка асосланган тузилмаларнинг мустақил фаолиятидир
13.	Хизрич Р., Питерс М.	Тадбиркорлик - қийматга эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёнидир
14.	Алан Хоскинг	Тадбиркорлик - бу ўз ҳисобига иш юритиш ва бизнесни бошқариш асосида масъулиятни ўз гарданига олиб мустақил

⁶³ Малый бизнес России. Проблемы и перспективы. Аналитический доклад. РАРМП. М.1996: мониторинг предпринимательства. Малый бизнес России: Адаптация к переходным условиям. – Предпринимательства в России. 1995 №1,2.

		қарорлар қабул қилишдир.
15.	Адам Смит	Тадбиркор - хўжалик юрители таҳликасини ўз зиммасига олувчи капитал эгасидир.
16.	Жан Батист Сей	Тадбиркорлик бу ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштириш ва юқори фойдалилик соҳасига йўналтиришдир.
17.	Ичитовкин Б.М.	Кичик бизнес хўжалик юрителининг кичик шаклидир.
18.	Макконелл К. Брю С.	Тадбиркорлик ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш, бизнесни юрители жараёнида у қарорлар қабул қилиш, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб янги товарлар яратиш ва таҳликага боришдир.
19.	Абалкин Л.И.	Тадбиркорлик иш йўналиши ва усулларини танлаш эркинлиги, мустақил қарорлар қабул қилиш, фойда олиш, қабул қилинган қарорлар учун жавобгарликка эга бўлиш ва етарли ривожланган бозор хўжалигидир.
20.	Шепелев В.	Тадбиркорлик ижтимоий субъектнинг шахсий омилларидан фойдаланиш асосида бевосита иштироки орқали рўёбга оширилувчи мақсадга эришишга йўналтирилган интеллектуал фаолиятдир.
21.	Филипс Ж.	Майда бизнес майда мулкдорлар синфи фаолиятидир.
22.	Орлов А.	КБ - ишини йўқотган, хизматдан истеъфога чиққанлар, оиланинг ёш ва қари аъзоларининг, жиддий “касал” ҳисобланган ижтимоий гуруҳларнинг ўтиш, ислохотлар давридаги яшаш, соғайиш секторидир.
23.	Балабанова Б.Т.	Кичик бизнес ноаниқлик шароитида бошқарув қарорлари қабул қилишга қулай тузилмадир.
24.	Бруксбенк Р.	Кичик бизнес асосан 3 та нарса билан (бандлар сони, йиллик обороти, баланс) ифодаланади.
25.	Ван Хорн	Бандлар сони 50 кишидан ва йиллик обороти 1 млн. фунт стерлингдан паст бўлган корхона КБ бўлади.
26.	Велу Х.	Кичик бизнес фақат ташкилот ривожланишининг сифат кўрсаткичлари (мақсад, менежмент, маҳсулот, харажат) ёрдамида аниқланади.
27.	Белоусов А.Р.	Кичик бизнес инновацион қўллаб-қувватлаш учун махсус тизим ташкил этиб, яшашга қодир бўлган ғоялар ва маҳсулотлар етиштириш учун қулай муҳитдир.
28.	Виленский А.	Кичик бизнес бу оммавий шаклда иш юритувчи бозор инфратузилмаси субъектларидир.

Фикримизча, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган, кўпчилик мамлакатларда кичик бизнес сектори ривож учун қуйидаги тўсиқлар ҳалақит қилади:

Кичик бизнес субъектлари ичидаги тўсиқлар: маблағлар етишмаслиги; замонавий менежмент, молиявий ва маркетинг таҳлили тамойилларини ўз ичига олувчи бизнес юрители усулларини тушунишнинг чекланганлиги; ижодий ва инновацион ёндашув билан таваккаллик

қилмаслик; ўз мамлакати ва хорижда шерик топиш бўйича тажриба ва билимларнинг етишмаслиги; менежерларнинг таваккалчиликка кам мойиллиги.

Кичик бизнес сектори иқтисодий ва ижтимоий муҳити доирасидаги тўсиқлар: Солиқ рағбатларининг, кредитлашнинг адекват манбаларининг етишмаслиги; кредитлашнинг ноқулай шартлари (юқори фоиз ставкалари, қайтаришнинг қисқа муддатлари); тижорат банкларида майда субъектларга нисбатан қизиқишнинг йўқлиги; қонуний ва иқтисодий тизимнинг беқарорлиги.

Бевосита тўсиқлар: инфляциянинг юқори даражаси ва миллий валюта тўла конвертацияси йўқлиги; етарлича ривожланган мустақил рақобатдош бозор ва бозор маҳсулотларини шаклланмаганлиги; молиявий ва суғурта тизими инфратузилмасининг ривожланмаганлиги; кўргазма, ярмарка ёки инвестицион форумларда етарлича қатнашмаслик; мамлакат ичида ва ташқи дунё билан боғланишда арзон самарали алоқа воситаларининг етишмаслиги; коррупция ва хуфёна иқтисодиёт мавқеининг баландлиги.

Билвосита тўсиқлар: ахборот билан таъминлаш, ўқитиш ва маслаҳат бериш бўйича ихтисослашган хизматларнинг камлиги ва мавжудларининг ҳам қимматлиги; кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳар хил вазифаларни амалга оширишда фаолият соҳаларида ноаниқлик мавжудлиги; мамлакатлараро фойдани ҳаракатлантириш, тасарруф этиш бўйича халқаро даражадаги унификациялашган меъёрий базанинг йўқлиги.

Айтиш жоизки, юқорида таъкидлаб ўтилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари мавзуни амалий жиҳатлари ва уни баҳолашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2 БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охирги йилларда республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва икқиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга


сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкўр соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2.1-расм.

Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари (фоиз)⁶⁴



⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда (2.1-расм).


Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарди.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2690,2 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2015 йилда эса бу кўрсаткич 4041 млрд. сўмни ташкил этди(2.2-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 2005-2015 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори қарийб 24 мартага кўпайди.

2.2-расм

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори⁶⁵



⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;
- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;
- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини ўзоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2015 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан

155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.


Албатта, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

Мухтасар қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

**2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий
мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва
кредитлар миқдори⁶⁶**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллион АҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган (2.4-расм).

**2.2. Вилоят қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликни ривожланиш таҳлили (Фарғона вилояти мисолида)**


Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби муҳим масалалар ҳал этилмоқда. Натижада, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг улуши 99,8% етди. Қишлоқ хўжалигида

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

хусусий мулкка (ердан ташқари) асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил топди ва улар жадал ривожланмоқда(2.1-чизма).

2.1-чизма

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг натижалари⁶⁷



Президентимиз ўтган йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар орқали эришилган натижалари тўғрисида тўхталар экан, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурумизнинг принципиал муҳим йўналишидир.

Айтиш керакки, мазкур тармоқда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу тадбирни амалга ошириш, биринчи навбатда, суғориладиган деҳқончилик шароитида, сув тақчиллиги ва ерларнинг аксарият қисми кучли шўрланган бир вазиятда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир» 16 январь 2015 йил.

кишлоқ туманларида экин майдонлари амалда тупроқ унумдорлиги ва ер бонитети бўйича кескин фарқ қилиши билан боғлиқ.

Мамлакатимиз минтакаларда ташкил қилинган фермер хўжаликларининг тўплаган ривожланиш тажрибаси, самарадорлиги ва рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни оқилона ва қулай миқдордаги ер участкалари билан таъминлаш учун қаттиқ иш олиб боришга тўғри келди.

Шу борада ер майдонлари ҳажмини аниқлашда субъектив ёндашувларга йўл қўймаслик ва бундай ҳолатларнинг олдини олишда ана шу ўта муҳим ишни амалга ошириш масъулияти депутатлар корпуси, Фермерлар кенгаши ва жамоатчилик зиммасига юклатилгани ҳал қилувчи омил бўлди.

Ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Тошкент, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида энг кўп фермер хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бу ўринда 2020 йилгача пахта хомашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш ҳақида сўз бормоқда.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, шундай ҳажмдаги етиштириладиган пахта ҳосили, бир томондан, хомашёни ўзимизда чуқур қайта ишлашни инобатга оладиган бўлсак, аввало, тўқимачилик ва енгил саноатнинг ана шу хомашёга бўлган эҳтиёжини нафақат тўла таъминлайди, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига пахта толаси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар етказиб берадиган мамлакат сифатидаги мустаҳкам мавқеини сақлаб қолиш имконини ҳам беради.

Пахта етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага қисқартириш ҳисобидан 170 минг 500 гектар суғориладиган ер пахтадан бўшайди. Бу жараёнда, албатта, аввало мамлакатимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 26,1 центнерни ташкил этиб турган бир пайтда ҳосилдорлиги 12-15 центнердан ошмайдиган паст бонитетли ерларни пахтадан бўшатишга

эътибор қаратилади. Асосан шўрланган, шунингдек, пахта етиштиришга яроксиз бўлган тоғолди ерларига ғўза экилмайди.

Бундай қарорга келишимизнинг яна бир сабаби борки, у ҳам бўлса, сўнгги йилларда жаҳон бозорида пахта толасининг нархи ва унга бўлган талабнинг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқдир.

Пахтадан бўшаган экин майдонларида аввало, сабзавот ва картошка, шулар қаторида озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни – 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда ана шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ортишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида

фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир.

Республикаимиз аҳолисининг қишлоқлардаги асосий табиий ўсиш суръати шаҳарга нисбатан юқорироқдир. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда ишчи ўринларининг етишмаслигига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли қишлоқларда янги иш жойларини барпо этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш ҳолати муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланди. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини олиб қарайдиган бўлсак, уларда ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳисобига туғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёнида асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши лозим:

➡ фермер хўжаликларини тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ҳамда фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериладиган қишлоқ хўжалик ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишнинг рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

➡ бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;


➡ қишлоқда деҳқон ва фермер хўжаликларини эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсатадиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш.

Шундай қилиб, деҳқон ва фермерларга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаларини ташкил этиш ва улар сонини кўпайтириш қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2015 йилга келиб 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошган (2.1-диаграмма).

2.1-диаграмма

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши⁶⁸.



2.1-жадвал

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги улуши⁶⁹, %

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.
Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши, %	56	56.7
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, %	31,1	33,5
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини улуши, %	54	54,5
Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши, %	52	52
Янги иш ўрни,ўрин	480	660
Иш билан банд бўлган аҳоли, %	76,5	77


⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузаси. 16 январь 2016 йил

⁶⁹ Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожлани-шини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2015.-338 б.

2.1-жадвалда кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2015 йилда 56.7%, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 33.5%ни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини улуши 54.5 %, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши 52%, 2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 660 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда. Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

2.2-диаграмма

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши⁷⁰.



2.2-диаграммадаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 2000 йилда 39,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 81,7 фоизга етди.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.16.01.2016.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, аграр соҳада бизнес ва тадбиркорликнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан характерланади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига мустақиллик бериш уларда фаолиятининг якуний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ жойларида тадбиркорликнинг замонавий турларини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди:

- ➡ улгуржи ва чакана савдо тизими ислох қилинмоқда;
- ➡ кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига инфратузилма бўлинмалари томонидан хизмат кўрсатишнинг самарали тизими яратилмоқда; кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш тизими шаклланимоқда;
- ➡ тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг энгиллаштирилган тартиби жорий этилди;
- ➡ статистика ва солиқ ҳисоботининг қисқартирилган шакли киритилди;
- ➡ кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди;
- ➡ иш бошловчи тадбиркорлар учун дастлабки сармояни шакллантириш, бошқа шакллардаги янги молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилди ва бошқалар.

Мамлакатимиздаги миллий иқтисодиётимиз жабҳаларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни иқтисодиётни босқичма-босқич тузилмавий янгилаш, хусусий секторнинг ролини ошириш билан узвийликда амалга оширилиши давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг изчиллигини ифодалайди. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятининг турларини шаклланишида ва фаолият

кўрсатиш учун ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш, тадбиркорлик ва унинг алоҳида замонавий турларини рағбатлантириш бўйича ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш, тадбиркорлик ҳуқуқлари ва манфаатларини юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш, тадбиркорликка молиявий жиҳатдан ёрдам фондларини ташкил этиш – бу секторнинг келажакдаги тараққиёти учун муҳим қадам бўлди.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи умумий қоидалар, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулиятлари, манфаатлари, тадбиркорликнинг қонуний таърифи, унинг субъектлари, шакллари ва бошқаларни давлат томонидан қафолатланиши «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунда қайд этилган.

Давлатимиз томонидан тадбиркорликнинг замонавий турларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир асосий қонун-қоида ва қафолатлар қуйидагиларни таъминлашга қаратилган бўлиши лозим:

1. Давлат ва бошқа органларнинг, унинг мансабдор шахслари ва раҳбарларининг тадбиркорлик турлари субъектлари фаолиятига аралашмаслиги;

2. Давлат статистика органлари ва солиқ органларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисоботини тақдим этишлари лозимлиги;

3. Тадбиркор субъектлари ўз маҳсулоти ва даромадлари, шунингдек, пул маблағларини эркин тасарруф этиш, мулкчилик ҳуқуқий қафолатларидан тўлиқ фойдаланишга ҳақлидирлар;

4. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асосий фондларнинг жадаллаштирилган амортизацияси белгиланган нормадан икки мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўллашлари лозим. Ундан ташқари уч йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эгадирлар;

5. Тадбиркор субъектлар фаолиятини кредитлаш имтиёзли тартибда амалга ошириш кўзда тутилади, бунда субъектлар томонидан олинмаган даромадлар кредиторларга тўлиқ ёки қисман тўланади.

6. Кичик ва хусусий тадбиркорлик ихтисослаштирилган агентликлар ва бошқа суғурта ташкилотлари томонидан имтиёзли шартларда суғурта қилинадилар.

7. Солиқ қонунчилигига мувофиқ кичик бизнес субъектларига солиқ ва тўловлар тўлашида бир қатор имтиёзлар тақдим этилган;

8. Давлат органлари, унинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш лозимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳудудий бўлимларида тадбиркорликни ахборот-маслаҳат, ҳуқуқий-иқтисодий, ишлаб чиқариш–технологик ва бошқа ахборот билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Давлат томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қонунга мувофиқ қуйидагилар кафолатланади:

➡ юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, зарурий мулк сотиб олиш ҳуқуқлари;

➡ барча тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалдаги қонунчилик ва шартномалар асосида ҳимоя қилиш;

➡ ишбилармонлик фаолиятининг илмий-техникавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;

➡ тадбиркорлик рискларини суғурта қилиш;

➡ шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, мулк эгасининг ва ҳар қандай учинчи шахснинг аралашиши рухсат этилмайди.

Умуман, тадбиркорлик фаолиятини ҳар жиҳатдан ривожлантириш, қўллаб-қувватлашда эътиборни қуйидаги асосий масалаларга қаратиш лозимдир:

➡ тадбиркорлик субъектларининг бозорга тўсқинликсиз киришига шароит яратиш;

➡ хусусий секторнинг ўсишига шароит яратиш;

➡ давлат тадбиркорликни муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларини ечишга қаратиш;

Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукуматлари томонидан Давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Дастурда тадбиркорларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш учун чора-тадбирларни, молиявий-кредит, инвестицион, ахборот, кадрлар ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, МДХ давлатларида хусусий фирмалар таъсисчилигида турли инвестицион фондлар, тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фондларини бунёд этилиши диққатга сазовордир. Мазкур фондлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

➡ ишбилармонлик фаолияти билан боғлиқ дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни маблағ билан таъминлаш;

➡ хусусий тадбиркорликка бевосита сармоя киритиш, уни ҳудудий ривожлантириш дастурини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

➡ бошқа ташкилот ва хорижий давлатлардаги шу каби фондлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш. Республикамизда ҳозирги пайтда бундай фаолиятни олиб бориш Бизнес-фонд зиммасига юклатилган. Унинг иш кўламини кенгайтириш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарларда фонднинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган, бу ҳолат кичик бизнес ва тадбиркорликни бутун мамлакат бўйича ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб беради.

Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим устувор йўналиши бу — замонавий тадбиркорлик турлари учун максимал шароитларни яратишдир.


Замонавий тадбиркорлик турларининг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали:

- ➡ иқтисодиётнинг барқарор ўсишига;
- ➡ аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини оширишга эришиш мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди ва шу асосда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўзига хос алоҳида шакллари мамлакатимизда ривожланиб келмоқда.

2.2 – чизма

Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари турлари⁷¹



⁷¹ Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. - Т.: Истиклол, 2004.

Тадбиркорларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, уларни ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Мулк тўғрисида”ги ҳамда бошқа Қонунларда батафсил ёритилган. Республика қишлоқ хўжалигида ҳозирги даврда юридик ҳамда жисмоний шахс мақомига эга бўлган тадбиркорликнинг қуйидаги субъектлари фаолият кўрсатмоқда (2.2 -чизма).

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда фаолият юритаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда, бунга ижтимоий-иқтисодий шароитлар тўла яратилганлигидандир.

Вилоятда 2016 йилда вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида барча соҳаларда белгиланган Дастурлар доирасида муҳим вазифаларни бажарилишини таъминлаш, рақобатбардош ва бозор талабларига мос бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенг йўлга қўйиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда пировардида аҳолининг реал даромадларини ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Жумладан: ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги баҳоларда 3528.3 млрд. сўмга ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 424,4 млрд. сўм (107,0%) га кўп бажарилди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни 37 фоизи ёки 1300,7 млрд. сўмлигини чорвачилик маҳсулотларини ҳамда 63,0 фоизи ёки 2190,6 млрд.сўмлигини деҳқончилик маҳсулотларини ташкил этди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари улуши 34,0 фоизни, деҳқон хўжаликларининг улуши эса 64,0 фоизни ташкил этди.

2015 йилда асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори ўсиш тенденциялари сақланиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи 8,0 фоизни (ҳажми 11278,9 млрд. сўм) ташкил этди, аҳоли жон бошига ЯХМ

6.1%ни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5.8 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 7.0 фоизга, хизмат кўрсатиш 18.4 фоизга, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар 95.8 фоизга ўсишига эришилди.

Вилоятда 2016 йилда жами 100,1 минг гектар ер майдонига пахта экиш белгиланиб, жами 280,0 минг тонна ялпи ҳосил олиш кўзда тутилган.

2016 йил пахта ҳосилини аванслаш мақсадида тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига пахта етиштириш учун 151,7 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди ҳамда пахта етиштириш учун соф ҳолда 30605 тонна азотли, 3889 тонна фосфорли ва 1818 тонна калийли ўғитлар етказиб берилди.

Ғаллачилик соҳасида вилоятда эришилаётган ютуқлар замирида соҳада алоҳида тизим яратилганлиги, кўп йиллик тўпланган бой тажриба, уруғчиликка берилаётган эътибор ва агротехник тадбирларни ўз вақтида тўғри ташкил этилаётганлиги турибди.

2.2-жадвал

Вилоят иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши⁷², %

Вилоят бўйича	2014 йил	2015 йил
Ялпи ҳудудий маҳсулот	62,1	63,2
Саноат маҳсулотлари	27,8	40,8
Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	96,8	96,8
Капитал қўйилмалар	50	52,0
Қурилиш ишлари	87,3	90,1
Чакана савдо айланмаси	42,2	90,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	51,9	55,0
Жами хизматлар	64,8	71,2
Юк ташиш	70,4	71,8
Йўловчи ташиш	90,4	90,9

2.2-жадвал таҳлилларига қараганда, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларга қатор

⁷² Фарғона вилояти статистика Бошқармаси маълумотлари.. 01.01.2015.

имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётганлиги иқтисодиётимизнинг юксалишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада фаровонлашишига сабаб бўлиб, 2015 йил якуний ҳисоботларига кўра уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 63,2 фоизни ташкил этди. Ёки 2014 йилнинг (62,1%) шу даврига нисбатан 1,1 бандга ошди.

2.3-жадвал

Фарғона вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва ишбилармонлик муҳити индикатори ҳолатини баҳолаш тизими⁷³

1.Иқтисодиётни хусусий секторини ривожланиш индикатори				
	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Аҳоли бандлигида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши	%	78,9	80,0	80,2
Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорти	%	22,5	26,3	48,4
Кичик бизнес ва тадбиркорликни ўсиш ҳажми	%	181,1	128,9	186,3
Нодавлат секторида инвестиция ҳажми	%	60,9	65,3	74,5
2.Минтақанинг ижтимоий ривожланиш индикаторлари				
Аҳоли жон бошига ЯХМнинг ҳажми	%	106,7	106,6	106,1
Аҳоли даромадларининг умумий ҳажмида кичик бизнес ва тадбиркорлининг солиштира оғирлиги	%	49,8	50,9	50,5
Ишсизлик даражаси	%	4,8	5,4	5,4
Истеъмол товарларининг мавжудлиги	%	104,7	105,2	111,2
Аҳолига ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган пуллик хизматлар ўсиши	%	117,4	110,3	110,5
3. Рақобатбардош муҳитнинг ривожланиш индекси				
Янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ³⁾	%	16,9	13,5	12,5
Тадбиркорлик субъектларини фаоллиги	%	10,4	6,3	3,7
Хорижий инвесторлар учун инвестицион жозибадорлик даражаси	%	8,0	4,2	3,8
Кичик бизнесни ривожланиши	%	61,1 ¹⁾	62,1	63,2
кишига кичик бизнес субъектларининг сони ²⁾	бирлик	8,4	8,6	8,9

⁷³ Фарғона вилояти статистика Бошқармаси маълумотлари. 01.01.2015.

³⁾ деҳқон ва фермер хўжалигисиз

¹⁾ электр энергетика корхоналарининг ҳажми минтақалар бўйича ҳисобга олиш

2.3-жадвал маълумотлари бўйича, Фарғона вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва ишбилармонлик муҳити индикатори ҳолатини баҳолаш тизимида иқтисодиётни хусусий секторини ривожланиш индикаторида аҳоли бандлигида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 2015 йилда 80.2%, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорти 48.4%ни, кичик бизнес ва тадбиркорликни ўсиш ҳажми 186.3%, нодавлат секторида инвестиция ҳажми 74.5%ни ташкил этди. Минтақанинг ижтимоий ривожланиш индикаторлари бўйича аҳоли жон бошига ЯХМнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 0.5 % камайган, аҳоли даромадларининг умумий ҳажмида кичик бизнес ва тадбиркорлининг солиштирма оғирлиги 0.4% камайган, истеъмол товарларининг мавжудлиги 6.0% ортган, аҳолига ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган пуллик хизматлар ўсиши 0.2%га ортган.

Рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 23284 тани ташкил этди. Шундан, 22398 нафари (жамига нисбатан 96,2 %) фаолият кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида 2260 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Кичик бизнес субъектлари ҳисобига 92,8 минг та янги иш ўринлари яратилди.

Ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 811,5 млрд. сўмлик (шундан, микрокредитлар 309,1 млрд. сўм) кредит маблағлари ажратилди ҳамда топшириқ режаси 132,3 фоизга бажарилди.

Қуйидаги жадвал маълумотларига кўра, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 2015 йил 1 январ ҳолатига жами гўшт тирик вазнда 130455 тонна, сут маҳсулоти 802467 тонна, тухум 267760 минг донани ташкил этди. Фермер хўжаликлари бўйича 4981 тонна тирик вазнда гўшт маҳсулоти ишлаб чиқарган, сут маҳсулотларини етиштириш бўйича 33160 тонна, тухум бўйича 37457 минг дон маҳсулот етиштириб берилган.

²⁾ фермер хўжалигининг оптималмаганлиги

Дехқон хўжалиги бўйича жами маҳсулотлар бўйича улуши 64.6 фоизни ташкил этган.

2.4-жадвал

Вилоятда 2015 йил 1 январ ҳолатига асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш (барча тоифадаги хўжаликларда; тонна)⁷⁴

	Гўшт. тонна (тирик вазнда)	2013 й.га нисбатан фоизда	Сут тонна	2013 й. га нисбатан фоизда	Тухум. минг дона	2013 й. га нисбатан фоизда
Жами	130455	107,3	802467	106,9	267760	111,8
2015 йил 1 январ ҳолатига фермер хўжаликлари тўғрисида маълумот						
	2015 йил январ-декабрда ишлаб чиқарилди.					
	Гўшт. тирик вазнда		Сут		Тухум	
	Тонна	2013 й. га нисбатан фоизда	тонна	2013 й. га нисбатан фоизда	минг дона	2013 й. га нисбатан фоизда
Жами	4981	109,2	33160	106,8	37457	110,1
2015 йил 1 январ ҳолатига деҳқон хўжаликлари тўғрисида маълумот						
	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида деҳқон хўжаликларининг улуши фоизда					
Жами	64,6					

Таҳлилларга кўра, вилоят бўйича барча хўжаликларда экин майдонлари ва улардан олинган ялпи ҳосил жами дон экилган майдон ва йиғиш майдони га 382 га камайган, ялпи ҳосил 12585 тнга ер майдони камайганига қарамай ортган, ҳосилдорлик 3.1ц/га га ортган. Пахта ялпи ҳосил ва ҳосилдорликда камайган, чунки паст бонитетли ерларни пахтадан бўшатишга эътибор қаратилади. Асосан шўрланган, шунингдек, пахта етиштиришга яроқсиз бўлган тоғолди ерларига ғўза экилмайди (2.5-жадвал).

⁷⁴ Фарғона вилояти статистика Бошқармаси маълумотлари.. 01.01.2016.

2.5-жадвал

Вилоят бўйича барча хўжаликларда экин майдонлари, улардан олинган ялпи ҳосил⁷⁵

Жами асосий кўрсаткичлар	Барча тоифадаги хўжаликлар											
	Экилган майдон (га)			Йиғиш майдони (га)			Ялпи ҳосил (тн)			Ҳосилдорлик (ц/га)		
	2015 й	2016 й	(+:-)	2015 й	2016 й	(+:-)	2015 й	2016 й	(+:-)	2015 й	2016 й	(+:-)
Жами дон	128772	128390	-382	128772	128390	-382	777735	790320	12585	57,2	60,3	3,1
Шундан: Бошокли дон (Дас.вазн)	126458	125554	-904	126458	125554	-904	757439	758051	612	57,3	60,4	3,1
Ш.ж.Бугдой (Дас.вазн)	126053	125054	-999	126053	125054	-999	755524	755955	431	57,3	60,5	3,2
Маккажўхори	1585	2062	477	1585	2062	477	15483	23347	7864	60,1	60,1	0,0
Дуккакли дон	389	395	6	389	395	6	1942	4375	2433	34,0	35,4	1,4
Пахта	100132	100139	7	100132	100139	7	282459	280135	-2324	28,2	28,0	-0,2
Картошка	9424	9664	240	9424	9664	240	234358	252056	17698	230,6	231,8	1,2
Сабзавот	18811	19323	512	18811	19323	512	638739	712072	73333	276,9	278,1	1,2
Полиз	2795	2560	-235	2795	2560	-235	60153	64230	4077	187,9	188,4	0,5
Мевалар жами	47356	47636	280	31008	33030	2022	348097	375895	27798	112,3	113,8	1,5
Узумзорлар	5386	5881	495	4294	4794	500	92735	103573	10838	216,0	216,0	0,1

⁷⁵ Фарғона вилояти статистика Бошқармаси маълумотлари.. 01.01.2016.

3 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИНING ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишлари

Худудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш концепциясида асосий эътибор биринчи навбатда иқтисодий салоҳиятга эга бўлган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, тармоқ ва худуд учун зарур, аммо паст рентабелли соҳаларнинг ривожини учун қўлай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий–иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, худудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегараланган кичик бизнес корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида банд фирмалар кўпинча юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишга ўринишлари билан ажралиб туради. Улар фаолиятининг стратегияси асосан қўйидагилардан ташкил топади:

Биринчидан, юқори технологияли ишлаб чиқариш асосида ривожланаётган фирмалар рақобат курашидан манфаатдор эмас. Шу сабабли улар бозордаги юқори фойда келтирадиган бўшлиқни эгаллашга ҳаракат қилиб, тор даражада ихтисослашган маҳсулот ишлаб чиқаришга интиладилар.

Иккинчидан, бундай фирмалар, масалан, электроника билан шуғулланувчи фирмалар, йирик корхоналардан бутловчи қисмларни сотиб олиш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Учинчидан, кўпчилик фирмалар ишлаб чиқариш жараёнини энгиллаштириш мақсадида ёки битта турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки бир турдаги технологияга ихтисослашади. Улар ана шу маҳсулот ёки технологияни истеъмолчиларнинг талабига мослашга ҳаракат қилишади. Йирик корхоналарга эса кенг истеъмолчиларнинг талабини қондиришга мос бўлган андозали маҳсулотларни ишлаб чиқариш хос. Кичик корхоналарнинг йирик корхоналардан фарқи ва афзалликлари ҳам ана шунда.

Тўртинчидан, деярли барча кичик корхоналар мустақилликни сақлаб қолишга интилиб, ташқаридан маблағ жалб этмасликка ҳаракат қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, кичик фирмалар маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ривожланиб бориши билан мустақиллик ва ўзига хос бўлган ижтимоий-маданий муҳитни шакллантиришга интиладилар.

Биринчидан, кичик корхоналар сушт ривожланмоқда. Жами кичик бизнес субъектларини (якка тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) микрофирмалар ташкил этади.

Иккинчидан, кичик бизнеснинг тармоқ таркибида асосан қишлоқ савдо ва умумий овқатланиш (25,6 фоиз) кўпчиликни ташкил этади. Саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва тадбиркорлик турларининг ривожланиши нисбатан сушт кечмоқда. Бу, ўз навбатида, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг истеъмол бозорларини нисбатан қисқа муддатларда маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Учинчидан, кичик бизнеснинг маҳсулот экспорт қилиш жараёнидаги иштирокини қониқарли деб бўлмайди.

Буларга асосан қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

➡ республикада хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши учун мавжуд бўлган меҳнат, хомашё, илмий-техник ва бошқа салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги;

➡ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларида даслабки сармоя ва ортиқча маблағларнинг етишмаслиги;

➡ банк кредитлари, халқаро молия ташкилотлари кредит ресурсларидан фойдаланиш шартларининг мураккаблиги;

➡ кредитни суғурталаш, кафолат билан таъминлаш ҳамда уни қайтариш билан боғлиқ муаммолар;

➡ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи банк тизими ва бошқа инфратузилмаларнинг етарли даражада тараққий этмаганлиги;

➡ ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол бозорининг яхши тараққий этмаганлиги оқибатида мол юборувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатларнинг чигаллашуви;

➡ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес маҳсулотларининг сифати юқори эмаслиги оқибатида талабнинг пастлиги;

➡ айрим ҳолларда мансабдор шахслар томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқлари бўзилиши ва манфаатларига путур етказилиши;

➡ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида пухта тайёрланган, саводли ва ишбилармон менежерлар ва мутахассислар тайёрлаш тизимининг номукамаллиги, кичик бизнес ходимларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билим савияси пастлиги ва бошқалар.

Бу каби муаммоларни самарали ҳал этиш учун республика ҳукуматининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган стратегик дастурлари амалга оширилишини давом эттириш зарур. Бундай концепция асосида номутаносибликларни бартараф этишга, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи тузилмавий ўзгаришлар ётмоғи лозим.

Ўзбекистон учун ҳам аҳолини иш билан таъминлаш ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий масала саналади. Бу муаммони самарали ечишнинг йўлларида бири корхона ва ташкилотларда касаначилик фаолиятини ривожлантиришдир. “Бугунги босқичда касаначилик соҳаси, – деб таъкидлайди юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев, – бандлик ва оила даромадларини

оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди”⁷⁶. Юртимизда касаначилик ҳаракатини ривожлантириш иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам рағбатлантиришнинг таъсирчан тизими сифатида қаралмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқимиз касаначилик фаолияти билан қадим–қадим замонлардан шуғулланиб келган. Бу фаолият иккинчи жаҳон уруши даврида ҳунармандчилик, косибчилик, кулолчилик, миллий каштачилик соҳаларида, миллий кийим-кечак ва оёқ-кийимлар ҳамда уй–рўзғор жиҳозларини ишлаб чиқаришда жуда ривожланган. Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Касаначиликнинг ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармони бу фаолиятнинг қайта тикланиши ва ривож топишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президент фармони эълон қилингандан сўнг ўтган дастлабки йиллардаёқ касаначилик 60 мингдан зиёд иш жойларини яратиш имконини берди. 2012 йилда эса унинг ҳисобига 97800 та янги иш ўрни яратилди. Касаначилик томонидан 39 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар берилган имтиёзлар ҳисобига 1 млрд. сўмдан зиёд маблағ тежаб қолди.

Фикримизча, “касаначилик фаолияти” деганда корхона ёки иш берувчи билан тузилган шартнома асосида унинг хомашёси, асосий ва ёрдамчи материалларига уй юмушларидан бўш вақтда яшаш жойида қайта ишлов бериб, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тушунилади. Бу тушунчанинг ўзига хос муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ➡ шартнома асосида ишлаш;
- ➡ иш берувчиларнинг хомашёси, асосий ва ёрдамчи материаллар билан таъминланиш;
- ➡ уй юмушларидан бўш пайтда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш;

⁷⁶ Мирзиёв Ш.М. 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан.

➡ иш вақти чегараланмаганлиги;

➡ иш жараёнига оила аъзоларини, шу жумладан, ёш болалари ва нафақахўрларни, ногиронларни ва яқин қўшни-қариндошларини жалб қилиш мумкинлиги.

Касаначилик фаолияти иш берувчига қуйидаги иқтисодий ва молиявий самара олишни таъминлайди:

➡ станок, машина, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа қуроллар билан таъминлашдан озод бўлиш ва натижада амортизация ажратмалари ва таъмирлаш харажатларининг камайиши;

➡ қонунчиликда кўрсатилган имтиёзлар ҳисобига қўшимча маблағ тежаш;

➡ электр энергия ва бошқа умумишлаб чиқариш харажатларининг камайиши;

➡ пировард натижада касаначи маҳсулотининг таннархи пасайиши ва қўшимча даромад келиши.

Касаначилар ҳам қўшимча даромадга эга бўлади ва оила бюджетини яхшилайти. Шу билан бирга оила аъзолари, айниқса ёшлар касб-ҳунар олиш имкониятига эга бўлади, уларнинг тарбиясига ижобий таъсир этади.

Касаначилик фаолияти ривожланишидан давлат ҳам бевосита манфаатдир. Унинг маҳсулотларининг сотилишидан давлат бюджетига қўшимча даромад тушади. Шу билан бирга бюджет харажатлари камаяди, чунончи ишсизлик нафақаси бўйича тўловлар ҳамда ёшларга таълим-тарбия бериш ва касб-ҳунар ўргатиш учун харажатлар нисбатан озаяди. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти кўпаяди, ишсизлар камаяди ва янги иш жойларини яратиш жумбоғи енгиллашади, аҳолининг иқтисодда бандлиги ва турмуш даражаси ошади, иқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатлари тезлашади.

Касаначиликни ривожлантириш учун тегишли корхоналарда ва хўжаликликларда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш зарурияти туғилади. Бу ҳаракатнинг смарадорлигини аниқлаш мақсадида хомашё ва материаллар, иш ҳақи, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва даромадлар

ҳисоб рақамларида касаначиликка бағишланган тегишли субсчётлар очиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Албатта, бозор муносабатлари силлиқ кечадиган жараён эмас. Бунинг учун иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муҳит муттасил шаклланиб, реал ҳаётӣ вазиятга мослашиб бориши керак. Айни бир вақтда иқтисодиётда хусусий мулк таъсири кўчайиб, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилига айланиши зарур. Хусусий мулк мавқеини янада ошириш учун қўйидагиларга асосий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Эркин иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий этиш орқали очик иқтисодий муҳитни қарор топтириш.

2. Маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш.

3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида минитехнологияларни кенг жорий этиш учун хусусий тадбиркорликнинг ихчам шакллари ривожлантириш ва бунинг учун давлат кўмагини кўчайтириш мақсадга мувофиқдир.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат товарлари нархларининг шаклланишида маълум нисбатни таъминлаш зарур.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларга қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётганлиги иқтисодиётимизнинг юксалишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада фаровонлашишига сабаб бўлиб, 2015 йил якуний ҳисоботларига кўра уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 63,2 фоизни ташкил этди. Ёки 2015 йилнинг (62,1%) шу даврига нисбатан 1,1 бандга ошди (3.1-жадвал).

Рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 23284 тани ташкил этди. Шундан, 22398 нафари (жамига нисбатан 96,2 %) фаолият кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида 2260 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Кичик бизнес субъектлари ҳисобига 92,8 минг та янги иш ўринлари яратилди.

3.1-жадвал

Фарғона вилоятида 2016 йил 1-январ ҳолатига кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси тўғрисида маълумот⁷⁷.

Кўрсаткичлар	01.01.2016
Ялпи ҳудудий маҳсулот, %	108,0
Шундан:	
кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши, %	63,2
Рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик	23284
шундан, фаолият кўрсатаётгани, бирлик	22398
Янги ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, бирлик	2260
Кичик бизнес субъектлари ҳисобига янги яратилди иш ўринлари, минг бирлик	92,8

Ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 811,5 млрд. сўмлик (шундан, микрокредитлар 309,1 млрд. сўм) кредит маблағлари ажратилди ҳамда топшириқ режаси 132,3 фоизга бажарилди.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес хусусий секторнинг ўзагини ташкил этади, чунки у хусусий мулкчиликка асосланган. Хусусий сектор эса эркин бозор тизимининг таянчи ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодийётдаги салмоғи ва мавқеи даромадларни ўстиришнинг бозор механизмига мос тушади ҳамда иқтисодий эркинликнинг бош мезони бўлиб қолади.

3.2. Кичик бизнес ривожланиши омиллари, даражалари ва барқарорлиги истиқболлари

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ва унинг инфратузилмасини шакллантиришнинг ҳозирги даврида кичик бизнеснинг ички ва ташқи муҳити унинг хусусиятлари, ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларини аниқлаш ва уларни яхлит, изчил тизим асосида ўрганиш, уларни кичик бизнес ривожланишдаги улушини иқтисодий баҳолаш, таҳлил қилиш бу соҳа олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

⁷⁷ Фарғона вилояти статистика Бошқармаси маълумотлари. 01.01.2016.


Макроиктисодий жиҳатдан кичик бизнесга таъсир этувчи омилларни намоён бўлиши ва таъсир даражаларини аниқлаш бирмунча мураккаб ҳисобланади. Чунки, бу кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ҳам минтакавий, ҳам тармоқ ва қатор бошқа хусусиятларни эътибордан қолдирмаслик шарти билан изоҳланади.

Шундай бўлсада, кичик бизнеснинг ички ва ташқи муҳитига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг таснифи, таъсири, тақсимланиши хусусида турли мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, АҚШ лик олимлар М.Мескон М.Алберт ва Ф.Хедоури бизнесга таъсир этувчи омилларни 2 гуруҳга бўлиб ўрганишни маъқул кўришади: ташқи ва ички муҳит⁷⁸. Жумладан, ташқи муҳит омилларига улар иқтисодий, демографик, сиёсий омиллар билан бир қаторда бозор конъюнктураси, халқаро савдони киритишади.

Ички муҳит омиллари деб эса истеъмолчилар, рақобатчилар, касаба уюшмалари, меҳнат, капитал, моддий ресурс таъминотчиларини ҳисоблашади (3.1-расм).

3.1-расм

Тадбиркорлик ва бизнеснинг ички ва ташқи муҳит омил



⁷⁸ М.Мескон, М.Алберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента.М.: Дело, 1995 .С.89.

3.2-жадвал

Фарғона вилоятида 2016 йил 1-январ ҳолатига кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлар сони тўғрисида маълумот⁷⁹

Кўрсаткичлар	Рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони	Фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони	Фаолият кўрсатмаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони	Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	Йил бошидан тугatilган хўжалик юритувчи субъектлар сони	Фаолият кўрсатмаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони тўғрисида маълумот. Ери туман захирасига қайтарилган фермер хўжаликларисиз
Жами	54635	36534	18101	3542	1959	1016
Саноат	4813	4653	160	707	428	160
Қурилиш	2025	1959	66	253	146	66
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	32188	14842	17346	13.03	437	261
Транспорт ва алоқа	1187	1142	45	155	100	45
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	1851	1768	83	173	160	83
Савдо ва умумий овқатланиш	6031	5785	246	678	525	246
Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш тури	358	347	11	21	33	11
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тармоқ, ижтимоий таъминот	1078	1070	8	75	39	8
Таълим, маданият, фан ва илмий	2147	2137	10	68	43	10
хизмат кўрсатиш						
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	2957	2831	26	109	48	126

⁷⁹ Фарғона вилоятининг статистик ахборотномаси.. 01.01.2016

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес субъектлари ривожланишига таъсир этувчи муҳит ва омилларни қуйидагича йирик гуруҳларга ажратиб ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ (3.2-расм):


- кичик бизнеснинг иқтисодий муҳити омиллари;
- кичик бизнеснинг ижтимоий маданий муҳити омиллари;
- кичик бизнеснинг демографик муҳити омиллари;
- кичик бизнеснинг сиёсий-ҳуқуқий муҳити омиллари ;
- кичик бизнеснинг табиий-иқлимий муҳити омиллари ва.ҳ.к.

Бундан ташқари, КБ ривожланишига таъсир этувчи омиллар тахлили бир қатор тадқиқотчилар ишларида қараб ўтилади.⁸⁰

Жумладан, профессорлар М.С.Қосимова ва Б.Ю.Ходиев кичик бизнес субъектлари самарадорлигига таъсир этувчи ва уни баҳолавчи омиллар сифатида кўпроқ молиявий омилларни иқтисодий муҳитдан ажратиб қарайдилар: тўлов қобилияти, шахсий ва қарз маблағлар нисбатларининг коэффиценти, молиявий боғлиқлик коэффиценти, активлар рентабеллиги, ускуналарни ишдан чиқиш коэффицентлари.⁸¹

3.2-расм

Кичик бизнес ривожланишига таъсир этувчи муҳит ва омиллар⁸²



⁸⁰ Э.Набиев Экономические преобразования в сфере услуг. Ташкент.1994., А.Файзуллаев. Инсон, бошқарув ва сиёсат. Тошкент. Ўзбекистон. 1996. 44-45 бетлар.

⁸¹ М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.К.Самадов, У.С.Муҳитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент. Ўқитувчи. 2003. 203-205 бетлар.

⁸² Ҳоликулов А.Р., Нуриддинов С.А. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик асослари ва чет эл тажрибаси. – Т.: Университет, 1994. – 50 б.

О.Рихсимбоев⁸³ ўз тадқиқотларида кичик ва ўрта бизнес ривожланишини моделлаштириш масалаларига микроиктисодий назария, ишлаб чиқариш функциялари, харажатлар ва фойда, фойдани максималлаштириш каби йўналишлар нуқтаи назаридан ёндашади. У корреляцион - регрессион таҳлил усуллари билан кичик ва ўрта бизнесни моделлаштиради.

Энди ушбу соҳа бўйича амалга оширилган бошқа бир тадқиқотларда эса, кичик бизнес ривожланишини моделлаштириш ва башоратлашда асосан қуйидаги олтита кўрсаткич эътиборга олинади: КБ субъектлари сони, КБ субъектларининг ялпи маҳсулоти, кичик бизнес субъектларининг асосий фондлари қиймати, кичик бизнес субъектларида ишловчилар сони, кичик бизнесга ажратилаётган умумий инвестициялар, вақт омили. Сўнгра шу асосда КБ ни ривожланиш тенденцияларини аниқловчи модел қуришади.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир омил қайси муҳит омили бўлишидан қатъий назар, кичик бизнесга у ёки бу даражада таъсир этиб, ўзгартириб туради. Кичик бизнеснинг минтақалар ёки тармоқлар бўйича ривожланишини ана шу омиллар аниқлаб беради.

Шу сабабли омиллар таъсир доирасини доимо мувофиқлаштириб бориш керак. Бунинг учун, кичик бизнесга таъсир этувчи критик омилларни юзага чиқариб, ана шу омилларни тартибга солиш билан кичик бизнесни ривожланишини бошқариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун кичик ўрта бизнес ривожланишининг регрессион моделини тузиш мумкин. Бунда критик омилларни танлаб олинади. Лекин кўпчилик омилларни миқдорий қийматга эга бўлмаганлиги сабабли кўрсаткич сифатида константа деган ҳолда ўзгарувчилар рўйхатига киритилмайди. Аммо, синтетик омилларнинг таъсири ёки ҳолати кескин ўзгарганда тенглама коэффициентларига тузатиш киритиб бориш керак бўлади.

Иқтисодиётнинг ривожланишига тўлқинсимон ҳаракат хос бўлиб, бу цикл турли даврларни бошидан кечиради: юксалиш, пасайиш, таназзул,

⁸³ Рихсимбоев О. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнесни ривожланишини моделлаштириш. иқт.фан.ном.дисс.автореф.-Т.:2002.-21 б.

жонланиш. Бозор иқтисодиёти бизга тўла устунликларни намоён этган бўлсада, унга инқирозлар хосдир. Шу сабабли, иқтисодий ислохотларнинг бугунги эркинлаштириш босқичида, ноаниқ, барқарор бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес субъектларини йирик корхоналар билан рақобат курашида, уларни ҳаётининг дастлабки даврларида, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, молиявий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашиши, барқарор ва мутаносиб ривожланиш даражасини таъминлаш имконини яратиш нафақат микро, балки макродаражадаги муҳим муаммолардан биридир. Чунки, КБ ўзининг серкўламлилиги, иш ўринлари манбаи, осон диверсификациялашуви каби бир қатор ижобий афзалликлари билан бирга, салбий томонларга ҳам эга. Масалан, кўпчилик кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятининг дастлабки даврида туғилмасданок «ўлади». Ҳар йили АҚШ да 600 мингга яқин янги очилган кичик бизнес субъектларидан, 50 % игина 18 ой яшайди, 20 фоизигина 10 йилгача яшаши мумкин. Қолганлари эса кескин рақобатга бардош беролмасдан дастлабки йилларда нобуд бўлади Худди шундай ҳолатни бошқа давлатлар иқтисодиётида ҳам кузатиш мумкин.

Ана шунинг учун ҳам, кичик бизнесни мамлакат ва унинг минтақалари, тармоқлар миқёсида ривожланишини, барқарорлигини, рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнларини бошқариш давлат миқёсидаги глобал вазифалардан биридир. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ЯИМ даги улуши 45 % дан ошганлиги ҳамда Биринчи Президентимиз томонидан 2008 йилда бу кўрсаткични янада ошириш республикаимиз иқтисодиёти учун устувор вазифа қилиб белгиланганлиги эътиборга олсак, бу вазифанинг муҳимлигини чуқур англаш мумкин.

Кичик бизнесни макроиқтисодий миқёсда бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири, бу уни яшовчанлик даражасини (ҳаётий циклини) бошқариш ҳисобланади. Кичик бизнес субъектининг ҳаётий цикли - бу унинг фаолият кўрсатиши даври белгиланади. Кичик бизнес субъектлари ҳаётий

циклининг тўртта босқичи мавжуд: бунёд этиш, ўсиш, табақалаштириш, жипслаштириш.⁸⁴

Биринчи босқич кичик бизнес субъектини бозорда пайдо бўлиши билан, иккинчиси – кичик бизнес субъектини тараққий этиш суръати ва унинг бозорда тутган ўрнини мустаҳкамлаши билан тавсифланса, учинчи босқич – хўжалик фаолиятини табақалаштириш, янги бозорларга суқилиб кириш, тўртинчиси эса янгиликлар киритиш, стратегияни қайта кўриб чиқиш билан ёки банкрот бўлиш билан изоҳланади.

АҚШ да тадқиқотчилар тадбиркорлик субъектларини қуйидаги ҳаётий циклини ажратиб кўрсатадилар:⁸⁵

1. Туғилиш даври; 2. Болалик даври; 3. Ўспиринлик даври; 4. Дастлабки етуклик даври; 5. Ўрта етуклик даври; 6. Охирги етуклик даври; 7. Қариш даври; 8. Тикланиш даври (фаолиятини тўхтатиш, банкрот бўлиш пайти).

1. Туғилиш даври янги ҳаридорларнинг талабини қондириш, бош бозор майдонининг янги сегментини эгаллаш. Асосий мақсад рақобатга бардош бериш, барча ишларда ташаббускорлик, муваффақиятга эришиш, чексиз меҳнатсеварлик ҳукм суради. Кичик бизнес субъектининг асосий тавсифий белгиси жанговарлик, кўпроқ фойда олишга интилиш ҳисобланади.

2. Болалик даври ҳаётий циклдаги энг хавфли босқич бўлиб, ушбу босқичда асосий мақсад қисқа муддатли муваффақият ҳисобланади, тавсифий белгилар эса мақсад сари интилиш, рақобатчиларга асосий аҳамият беришдир. Болалик даврида 90 % кичик бизнес субъектлари банкрот бўладилар ва режалаштириш усули «ололганингни юлиб қол» шиори остида бўлади.

3. Ўспиринлик даври – ташкилотнинг барқарорлик жараёнини бошланиши бўлиб, ушбу даврда кичик бизнес субъектлари бозорда ўз майдонини эгаллаб, даромад олишни барқарорлаштиришни режалаштиради.

⁸⁴ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Тошкент, Шарқ, 2002 й. 219-бет.

⁸⁵ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб.-Тошкент.:Меҳнат, 2000. – 283 б.

4,5,6. Дастлабки ўрта ва охири етуклик даврларида кичик бизнес субъектлари янги фаолият соҳаларига аста-секин кириб борадилар, табақалашув ва диверсификация кучаяди, фаолият кўламлари кенгаяди. Бу даврларда ташкилот миллий, байналминал Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўртача рангни ҳисоблашда фойдаланувчининг хоҳиш-истаги ёки мақсадига мувофиқ тарзда айрим кўрсаткичларни ҳисобга олмаслик, яъни ташлаб юбориш ёки уларни турлича вазн асосида ҳисобга киритиш мумкин ёки аксинча, таҳлилларни янада бойитиш учун қўшимча кўрсаткичлар олиб, шулар асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин. Бунда албатта кўрсаткичларни моҳиятлилигига, аҳамиятлилигига, мамлакат, минтақа, иқтисодиёт тармоқлари хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

7. Қариш даври - ўсишнинг сусайиши ва катта қийинчиликлар юзага келиши кузатилади. Бундай қийинчиликларга корхона бардош бера олмаслиги мумкин ва асосий вазифа кичик бизнес субъектини сақлаб қолиш, барча воситалар билан жамоа мақомини қўллаб-қувватлашга қаратилади. Бундан ташқари, ташкилотнинг модели бюрократия, раҳбарлик тури эса маъмурий бўлиб қолади.

8. Тикланиш даври – корхонада узвий мажмуавий ўзгаришларни амалга ошириши зарур. Бу даврда бошқарув усули – ҳаддан ташқари қатъий бўлиб, раҳбарлик сусайса субъект банкрот ҳам бўлиши мумкин.

Кичик бизнес субъектларини у ёки бу ҳаётий цикл босқичларини босиб ўтиши сезиларли равишда бозорда юзага келган шароитга ҳамда давлатнинг ушбу соҳада олиб бораётган иқтисодий сиёсатига боғлиқдир.⁸⁶

Ўзгарувчан бозор шароитида юқорида санаб ўтилган босқичларни ижобийларида имкон қадар кичик бизнес субъектларини ривожланиш фазаларида бўлиш вақтларини «чўзиш, уларнинг «умрини узайтириш, ҳаётий циклни тез тугаши олдини олишни бошқариш учун кичик бизнес субъектлари фаолиятига салбий таъсир этаётган омилларни имкон борича

⁸⁶ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т. Шарқ. 2002 й. 220-бет.

бартараф этишини таъминлаш ҳар бир мамлакат, ҳудудлар кичик бизнеснинг асосий муаммоси ҳисобланади.

Тадқиқотлар жараёнида 2012-2015 йиллар учун республикаимиз ва минтақалар мисолида субъектларининг яшовчанлик ва сўнувчанлик даражалари динамикасини ҳисобладик (3.2- жадвал).

Бизнинг фикримизча, юқоридаги формулалардаги таклиф этилган кўрсаткичларни статистик муомалага киритилиши, кичик бизнес субъектларининг очилиш ва ёпилиш тенденцияларининг сабабларини аниқлаш, тартибга солиш ва бошқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради ҳамда улар республикаимизда ўтказилаётган ижтимоий-ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

3.2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2012-2015 йилларда КБХТ субъектларининг ўсиш ва камайиш даражалари динамикаси⁸⁷

Вилоятлар	йиллар							
	2012	2013	2014	2015	2012	2013	2014	2015
	Ўсиш даражаси динамикаси, $KB_{\text{яд}}$				Камайиш даражаси динамикаси, $KB_{\text{сд}}$			
Республика бўйича жами:	0,0777	0,0755	0,0431	0,0523	0,3940	0,4461	0,2184	0,0019
Қорақалпоғистон Республ.	0,0599	0,0695	0,0735	0,0990	0,3085	0,3963	0,3323	0,5981
Андижон	0,0125	0,0340	0,0190	0,0271	0,0633	0,2207	0,1665	0,2625
Бухоро	0,0849	0,0681	0,0608	0,0899	0,3295	0,2944	0,2433	0,3506
Жиззах	0,0388	0,0492	0,0175	0,0581	0,1719	0,2244	0,0480	0,6672
Қашқадарё	0,0941	0,0341	0,0148	0,0096	0,3373	0,1754	0,0484	0,0506
Навоий	0,0296	0,0410	0,0300	0,1086	0,0936	0,1479	0,1425	0,5504
Наманган	0,7435	0,0414	0,0433	0,0450	0,5107	0,2771	0,2868	0,1285
Самарканд	0,0429	0,0596	0,0354	0,0220	0,1762	0,4410	0,3197	0,0856
Сурхондарё	0,1019	0,0273	0,0323	0,0133	0,5648	0,1881	0,2194	0,0420
Сирдарё	0,0921	0,0459	0,0252	0,0075	0,3346	0,2683	0,1110	0,4273
Тошкент	0,0340	0,0305	0,0276	0,0362	0,2067	0,2216	0,1727	0,0901
Фарғона	0,0714	0,1140	0,0272	0,0403	0,5043	0,5636	0,1219	0,1307
Хоразм	0,0377	0,0764	0,0593	0,0346	0,1515	0,4944	0,3422	0,1552
Тошкент ш.	0,1963	0,2280	0,1203	0,1267	1,8459	1,7252	0,9256	0,5428

⁸⁷ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Кейинги йилларда республикаимиз ҳукумати томонидан кичик ва йирик бизнес ҳамкорлигининг асосий шаклларида бири бўлган – «касаначилиқ фаолияти»ни ривожлантиришга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва улар республикаимизда ушбу фаолиятни ривожлантиришга салмоқли туртки бўлди.

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, коэффициент қиймати мазкур давр оралиғида Жиззах, Наманган, Фарғона ва Тошкент шаҳрида 50 %га, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида эса 3 мартага камайган. Бу эса мазкур вилоятларда таҳлил қилинган давр оралиғида КБ ривожланиши учун қулай тадбиркорлик муҳитини шаклланиши, салбий тўсиқларни камайтирганлигидан далолат беради.

Республикаимиз бўйича бу кўрсаткич 2013 йилда 0,39 дан 2014 йилда 0,45 га ва 2015 йилда 0,22 га ўзгарган. Демак, бизда ўтган 3 йил мобайнида янгидан очилган корхоналар сони ошди ёки синиш камайди дейишимиз мумкин. Кичик бизнес туғилиш коэффициенти энг кам қиймати 2013 йилда Андижон вилоятида (0,06) бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2014 ва 2015 йилларда мос равишда 0,22 ва 0,16 гача ўсган. 2013 йил йилда ижобий натижа Навоий (0,09), Жиззах(0,17), Хоразм(0,15), Тошкент вилояти (0,21), Сирдарё(0,33) ва Самарқанд вилоятларида (0,18) кузатилган. Ўша йили энг салбий ҳолат Тошкент шаҳрида кузатилган бўлиб (1,85), ҳар 100 та янгидан ташкил этилган КБ субъектларига 185 та ёпилган корхона тўғри келади. Лекин, 2015 йил ҳолатига бу кўрсаткич, янги ижобий томонга ўзгариб бориб, 0,9 ни ташкил этган. Бу ҳолатни кўпинчалик вилоятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Фарғонада мазкур йилларда 0,5 дан 0,12 гача Тошкент вилоятида 0,21 дан 0,17 гача, Сирдарёда 0,33 дан 0,4 гача, Сурхондарёда 0,56 дан 0,22 гача, Наманганда 0,51 дан 0,29 гача, Қашқадарёда 0,44 дан 0,34 гача пасаяётган бўлса, Жиззахда 0,17 дан 0,5 гача, Бухорода 0,33 дан 0,24 гача ўзгарган.

Юқорида келтирилган вилоятлардан бошқаларида аксинча тенденция кузатилган. Масалан, Хоразм вилоятида мазкур даврлар ичида бу кўрсаткич 126 %га, Самарқандда 78 %га, Навоийда 55 %га Қорақалпоғистонда эса 6,5 % га ошган. Демак, бу кўрсаткичлар орқали кичик бизнес ривожланишига умумий баҳо беришимиз мумкин.

Мазкур тақсимот амалий ва назарий жиҳатдан статистик маълумотлар асосида кичик бизнес ривожланиш барқарорлигини баҳолашда муҳим қурол ҳисобланади ва ўсиш коэффиценти орқали бутун таҳлил тўпламини турли даражадаги кичик гуруҳларга ажратади, чуқур таҳлил асосида кичик бизнеснинг барқарорлик даражасини асослаб беради.

Республикамизда кичик бизнес корхоналари ва тадбиркорликнинг замонавий турларини ривожланишини қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлайди. Бу эса, аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичи бўлган, аҳоли жон бошишга тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга олиб келади ва республикамизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқади.

Агар корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозор талабларига тўлиқ жавоб берса, демак, корхонанинг ушбу маҳсулотларни сотишдан оладиган даромадлари ўсиб боради ва корхона қўшимча кенгайиш имкониятларига эга бўлади. Шунингдек, товарларнинг нархи ишлаб чиқарувчиларга бозорда бўладиган ўзгаришлар тўғрисида сигнал бўлиб хизмат қилади. Товарларнинг бозордаги нархи ошиши билан ишлаб чиқарувчиларга рақобат янада кучаяди ва улар бозорга кўплаб маҳсулотлар чиқара бошлайдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир этувчи тадбиркорлик муҳитини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин (3.1-чизма).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларини амалга оширишдаги чора-тадбирлар мамлакат миқёсида бажарилиши лозим. Бунинг биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари, чет эл сармоялари, махсус фондлар, Савдо-саноат палаталари томонидан кредит ресурсларини беришни янада соддалаштириш, ҳамда лизинг хизматидан фойдаланишни кенгайтириш керак. КБ субъектлари учун яна бир муҳим манба – ахборот ресурсларига бўлган талабларини имкони борица тўлиқроқ таъминлаш керак. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари ички ва ташқи бозор конъюнктураси тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Ушбу масалани ҳал этиш учун ҳозирда фаолият кўрсатаётган мониторинг тизимининг бозорлар ҳақидаги маълумотлар базасини ташкил этиш ҳисобига кенгайтириш зарур.

Республикамизда КБ қўл меҳнати талаб қилинадиган, айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирлар пировард-натижада ўзининг ижобий самарасини беради. Улар қуйидаги кўрсаткичлар орқали намоён бўлади:

- КБнинг ривожланиши бозорда рақобат муҳитини келтириб чиқаради, ички бозорда харидорлар эҳтиёжларини қондирувчи товарлар, хизматлар пайдо бўлади ва маҳаллий истеъмолчиларнинг республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига бўлган талаби шакллана боради;

- маҳаллий КБ корхоналари ишлаб чиқарган товарлар истеъмолчилар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки хорижий мамлакатлардан импорт қилиб олиннадиган товарларни камайтиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, товарларни импорт қилиш учун кетадиган валюта маблағларини тежаш имконини беради;

- КБ корхоналари сонини ортиши кенг кўламлиликнинг самарасини келтириб чиқаради, яъни корхоналар сони ортиб борган сари улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори ҳам шунча кўпая боради.

Республикамизда КБ корхоналарини ривожланишини қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини белгиловчи тадбиркорлик муҳити⁸⁸



⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4725-сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш уларни жадал ривожлантириш йўлидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент. 2015 йил 15 май.

Бу эса, аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичи бўлган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМни кўпайтиришга олиб келади ва республикамизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқади.

3.3. Кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларини моделлаштириш-ривожланишнинг истикболли йўлларида бири

Республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда асосий эътибор КБХТ ни ривожлантиришга, унинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Мустақиллигимиздан кейинги ўтган 17 йил мобайнида республикамизда айнан КБХТ ни ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Кейинги йилларда КБХТ ни ривожлантириш бўйича республикамиз ҳукумати, шахсан Президентимиз томонидан қатор оламшумул меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек Президентимиз Ш.Мирзиёев – “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш⁸⁹”, деб таъкидлаганлар.

Аммо, шундай бўлишига қарамасдан, республикамизда КБХТ ўз тараққиётида қатор муаммоларга дуч келмоқдаки, булар қаторига КБХТ ни ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатлардаги «тешиklar», такомиллаштиришни талаб қилувчи қонунлар мавжудлиги, ушбу соҳада банд бўлганларнинг жиддий маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, товар ва хизматларни сотиш ҳамда йирик компаниялар билан рақобатлашишнинг самарали стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиши билан боғлиқ муаммолар бўйича илмий асосланган қарорлар қабул қилишга имкон берувчи зарурий иқтисодий, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлиги, текширувчи ва

⁸⁹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

назорат қилувчи маъмурий органлар томонидан ўрнатилган тўсиқлар бунга мисол бўла олади. Мана шу объектив, субъектив сабаблар натижаси ўларок янги ташкил этилган КБ субъектлари кўпинча банкрот бўлмоқда ёки «туғилмасданоқ ўлмоқда».

Бироқ, КБ субъектларида йирик корхоналар билан «дўстона» алоқа қилишнинг бошқа бир самарали стратегияси мавжуд. Кўпинча КБ субъектлари аста секин йирик корхоналар «орбитаси» га кириб бориши ва уларнинг ажралмас қисмига айланиб қолиш ҳолатлари юзага келмоқда. Бунда КБ субъектлари нафақат йирик бизнес (ЙБ) субъектлари рақибдан ҳамкорига айланишга, ушбу бозор секторига киришга интилишади, балки улар шу бозор секторидида муҳим ўрин эгаллашади. Бошқа томондан, бугунги кунда барча ривожланаётган мамлакатлар КБ субъектлари каби республикамиз КБ субъектлари ҳам товар ва хизматларни сертификациялаш учун муайян ном, атама, белги, расм ёки уларнинг бирлашмасидан ташкил топган, рақиблар товарларидан ўз товарини табақалаштириш учун хизмат қилувчи савдо маркасини ролини англаб бошлашди. Чунки, бутун дунё тажрибаси, маркетинг изланишлари, назарий ва амалий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, катта харажатлар қилиб янги товар маркази, белгисини яратиб муваффақият қозонишдан кўра, мавжуд «дев» лар савдо белгилари ва маркаларидан фойдаланиш ҳам арзон, ҳам осон, кам маблағ талаб этадиган, ҳамда муваффақиятга тез олиб борадиган қисқа йўлдир.

Ўтказган тадқиқотларимизга кўра, Ўзбекистонда кичик бизнес (КБ) субъектларини йирик корхоналар билан ўзаро ҳамкорликка интилиши, бошқа томондан эса дунёга машҳур фирмалар товар маркаларини ишлатиши, республикамизнинг йирик шаҳарларида КБ ва йирик бизнеснинг ўзаро кооперацион алоқаларини ривожлантиришни, ҳамкорликдан олинadиган синергетик самарани оширишга имкон берувчи стратегиялар ишлаб чиқишни тақозо этгани ҳолда, бугунги кунда, ривожланган мамлакатларда кичик ва йирик бизнес ҳамкорлигининг асосий шаклларида бири бўлган – «қасаначилик фаолияти» ни шакллантиришни объектив зарурат қилиб

кўймоқда. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан касаначиликни ривожлантиришга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва улар республикамизда бу фаолиятни ривожлантиришга салмоқли туртки бўлди.

Миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек, туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фон биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 барабар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади⁹⁰.

⁹⁰ Адхамов М., Асракулов А., Мирзаев А. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” ўқув-қўлланма. ФДУ 2017.

«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармонида кўра, йирик саноат корхоналари билан касаначилик ўртасидаги кооперацияни ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари сифатида аҳолини иш билан таъминлаш, унинг фаол қисмини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш, оилалар бюджети даромадларини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, касаначилик меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқиш ва хизматларни ташкил этиш эвазига йирик саноат корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ошириш белгилаб қўйилган.

Йирик саноат корхоналари билан кооперацияга асосланган касаначилик фаолияти деганда корхонанинг буюртмасини бажариш учун меҳнат шартномаси асосида ва тегишли ҳақ эвазига, жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган меҳнат фаолияти, корхонанинг ишлаб чиқариш майдонлари ва офис биноларидан ташқарида, одатда, ходимнинг уйида жойлашган, турғун иш жойи талаб қилинадиган, бир маромда ва мунтазам равишда уйда бажариладиган ишлар тушунилади.

Юртимизда ва чет элда касаначиликни қуйидаги турларидан фойдаланилади: қўл меҳнати, ёки уни енгиллатиш имконини берувчи оддий восита асбоб-ускуналарни қўллаш орқали ёки қўлламасдан амалга ошириладиган қўл меҳнати; қийин (мураккаб) бўлмаган технологик ускуналар ва асбоб-ускуналарни қўллаган ҳолда бажариладиган, ишлаб чиқариш топшириғини бажаришни таъминлайдиган, механизациялашган меҳнат; касаначи томонидан ўзининг уйида телекоммуникация алоқа каналлари воситалари (телефон, интернет) ни қўллаган ҳолда масофадаги офис ишлари; корхонага уйда бажариладиган хизмат кўрсатиш ишлари.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2006 йил 25 августдаги Ўзбекистон Республикаси хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ва йирик саноат корхоналари раҳбарларига услубий-маълумот хатига кўра, республикада касаначилик меҳнатини ташкил этиш механизмлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- корхоналарнинг турли истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ва аҳолига хизмат кўрсатувчи фуқаролар билан кооперация алоқаларини ўрнатиш;

- технологик жараёнига киритилган, корхонанинг асосий ва ёрдамчи маҳсулотини тайёрлаш учун айрим бутловчи қисмларни ишлаб чиқаётган ёки ишлаб чиқаришни айрим турларини бажараётган, махсус касаначилик иш жойларини ташкил этиш;

- корхонанинг ишлаб чиқариш дастурига йўлдош товарлар ва хизматлар сифатида киритилган маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича касаначилик иш жойларини ташкил этиш;

- “Уй офиси” шаклида масофадаги касаначилик иш ўрни ташкил этиш;

- бош корхонанинг ички эҳтиёжлари учун айрим турдаги товарлар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқиш ва хизматлар кўрсатиш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ни сотиш учун касаначилик иш жойлари яратиш мақсадида махсуслаштирилган кичик корхонани ташкил этиш.

Йирик корхоналар ва касаначиликка асосланган кичик корхоналар (исталган кичик бизнес субъекти бўлиши мумкин) кооперациясининг марказий муаммоларидан бири улар ҳамкорлигининг барқарорлиги, кооперация «хаётий цикли» нинг давомийлиги ҳисобланади. Муаммонинг жиддийлиги шундаки, ҳар иккала йирик ва кичик корхоналар маълум маблағларини ҳамкорликка сарфлаганларидан кейин, бу ҳамкорлик «фойдасиз» бўла бошлаши мумкин, яъни шартнома шартларини у ёки бу томоннинг бажармаслиги шартноманинг барбод бўлишига олиб келади. Демак, бундай инқироз юз бермаслиги учун, корхоналар бундай кооперацияни ўзларига фойдали эканлигига амин бўлишлари лозим.

Тадқиқотимизнинг ушбу бўлимида касаначилик шартномаси асосида фаолият юритувчи йирик корхоналар ва касаначилар ҳамкорлиги

барқарорлигини таъминловчи бажарилиши лозим бўлган айрим шарт-шароитларнигина таҳлил этамиз ва бу масалани ечишнинг назарий асоси сифатида классик кооператив ўйинларнинг математик воситаларидан фойдаланамиз.

Фараз қилайлик, касаначилик шартномасида қатнашадиган субъектлар муайян ҳудудда республикаимизнинг ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда маркетингга асосланиб, бир хил ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган объектларни ташкил этиши мумкин бўлган йирик ишлаб чиқарувчи корхона (ўрта корхона) ва касаначиликка ихтисослашган кичик корхона бўлсин (йирик корхонани кичик корхона, микрофирма ёки яқка тадбиркор билан кооперацион алоқаларини моделлаштириш масаласини ҳам худди шундай қўйиш мумкин).

Қуйидаги белгилашларни киритамиз: $p_k(p_{\text{й}})$ – касаначилик асосида ишлаётган кичик (йирик) корхона товар ва хизматларининг ўртача баҳоси; $q_k(q_{\text{й}})$ – касаначилик асосида ишлаётган кичик (йирик) корхоналар томонидан автоном ҳолда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот ҳажми; $p_k q_k$ – автоном ҳолда ишлаётган касаначиликка ихтисослашган кичик корхона даромади; $p_{\text{й}} q_{\text{й}}$ – автоном ҳолда ишлаётган йирик корхонанинг даромади; $p_k^k q_k^k$ – касаначилик шартномаси асосида ишлаётган кичик корхона даромади; $p_{\text{й}}^k q_{\text{й}}^k$ – касаначилик шартномаси асосида ишлаётган йирик корхонанинг даромади; C_k – автоном ҳолда ишлаётган кичик корхонанинг жами харажатлари; C_k^k – касаначилик шартномаси асосида йирик корхона билан ҳамкорлик қилгандаги кичик корхонанинг харажатлари; $C_{\text{й}}$ – автоном ҳолда ишлаётган йирик корхонанинг жами харажатлари; $C_{\text{й}}^k$ – касаначилик шартномаси асосида кичик корхона билан бирга ишлаётган йирик корхонанинг харажатлари (маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ўқитиш бўйича ва х.к. харажатлар билан бирга).

Биз таҳлил қилаётган ҳолатимизда кооперация қатнашчилари (ўйинчилар) сифатида йирик корхона ва касаначиликка ихтисослашган кичик корхоналар қатнашди ва шунинг учун ҳам I ўйинлар тўплами икки элементдан ташкил топади $I-\{1,2\}$.

Агар қуйидаги муносабат бажарилса (I, W) ўйин моҳиятли деб ҳисобланади:

$$\sum_{i \in I} W(i) < W(I)$$

бу ерда, $W(i)$ - автоном ҳолда ишлаётган қатнашчининг (корхонанинг) ютуғи ($i=1,2$), $W(I)$ - ҳамкорлик (коалиция) нинг ютуғи

Ушбу ҳолда, алоҳида олинган ўйинчилар ютуғи қуйидагича бўлади:

$$W(1) = p_k q_k - C_k$$

$$W(2) = p_y q_y - C_y$$

бу ерда: $W(1)$ - автоном ҳолда ишлаётган КБ субъекти олиши мумкин бўлган фойда; $W(2)$ -автоном ҳолда ишлаётган йирик корхона олиши мумкин бўлган фойда.

У ҳолда йирик корхона ва кичик корхона ўзаро ҳамкорлигининг касаначиликка асосланган ютуғи қуйидагича бўлади:

$$W(I) = p^k q^k - C^k$$

Касаначилик асосидаги ҳамкорликнинг моҳиятлилиги шарти $W(1) = p_k q_k - C_k$ $W(2) = p_y q_y - C_y$ ва $W(I) = p^k q^k - C^k$ лардан қуйидагича эканлиги келиб чиқади:

$$(p_k q_k - C_k) + (p_y q_y - C_y) < p^k q^k - C^k$$

$(p_k q_k - C_k) + (p_y q_y - C_y) < p^k q^k - C^k$ формула шуни билдирадики, йирик корхона ва кичик корхонанинг касаначилик тизимидаги ўзаро ҳамкорлигидан олинadиган фойда корхоналар алоҳида, автоном ишлаганда олиши мумкин бўлган фойдадан сезиларлича катта бўлиши лозим.

Агар қуйидаги $\sum_{i \in I} W(i) \geq W(I)$ шарт бажарилса, (I, W) ҳамкорлик (ўйин) моҳиятсиз ёки аҳамиятсиз дейилади: яъни

$$\sum_{i \in I} W(i) \geq W(I)$$

$$\text{яъни} \quad (p_k q_k - C_k) + (p_y q_y - C_y) \geq p^k q^k - C^k$$

Демак, $(p_k q_k - C_k) + (p_y q_y - C_y) \geq p^k q^k - C^k$ шарт бажарилса, йирик корхона ва КБ субъекти ўзаро ҳамкорлиги натижасида олинган фойда миқдори корхоналар автоном ҳолда ишлаган ҳолдаги олиши мумкин бўлган фойда миқдоридан кичик бўлади. Бу дегани корхоналарнинг ҳеч бири ҳамкорлик

учун бирлашишдан манфаатдор эмас. Улар агар бирлашсалар ҳам ҳамкорликлари беқарор бўлади. Шунинг учун ҳам, биз ушбу диссертацион тадқиқотимизда фақат аҳамиятли келишувлар хусусида тўхталамиз.

Кооператив келишувларда асосий тушунчалардан бири бу улуш бўлиб, $u = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ векторни ифода этади. Бу векторнинг ҳар бир x_i -элементи I ўйинчилар тўплами ихтиёридаги нафлар тақсимланганда $i \in I$ ўйинчи олиши мумкин бўлган миқдорни ифодалайди.

Биз кичик ва йирик корхоналар томонидан касаначилик тизимида олинadиган фойдани мос равишда x_1 ва x_2 билан, «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармонида кўра, касаначилик асосида ишлагани учун йирик корхонанинг мулк солиғидан озод бўлиши ҳисобига иқтисод қилган маблағини y_1 ва касаначилик асосида ишлагани учун йирик корхонанинг ягона ижтимоий тўловдан озод бўлиши ҳисобига иқтисод қилган маблағини y_2 билан белгилаймиз. У ҳолда,

$$x_1 = p_k^k q_k^k - C_k^k$$

$$x_2 = y_1 + y_2 - C_y^k$$

бўлади.

Кооперациядаги улуш иккита шартни қаноатлантириши керак:

- 1) алоҳида ҳолда рационал бўлиши керак;
- 2) гуруҳий ҳолда рационал бўлиши керак.

Биринчи шарт шуни билдирадики, ҳамкорлик қилинганда ҳар бир ўйинчи энг камида автоном ҳолда ишлаганда олиши мумкин бўлган фойдани олиши лозим. Бизнинг моделимизда, биринчи шартнинг бажарилиши шуни билдирадики, касаначилик тизимида ишлаётган корхоналардан ҳар бирининг фойдаси уларнинг автоном ҳолда фаолият кўрсатиб олган фойдасидан кам бўлмаслиги керак.

Демак, алоҳида ҳолдаги рационаллик шarti кузатилиши учун қуйидаги тенгсизликлар тизими бажарилиши керак:

$$p_k^k q_k^k - C_k^k \geq p_k q_k - C_k$$

$$y_1 + y_2 + p_y^k q_y^k - C_y^k \geq p_y q_y - C_y$$

$p_k^k q_k^k - C_k^k \geq p_k q_k - C_k$ тенгсизлик кичик корхона касаначилик асосида йирик корхона билан ҳамкорликда ишлаб, ўзи автоном ҳолда ишлагандагига қараганда кам бўлмаган фойда олиши кераклигини ифодалайди.

$y_1 + y_2 + p_y^k q_y^k - C_y^k \geq p_y q_y - C_y$ тенгсизлик эса, йирик корхона касаначилик асосида кичик корхона билан ҳамкорликда ишлаб, ўзи автоном ҳолда ишлагандагига қараганда кам бўлмаган фойда олиши кераклигини билдиради. Гурухий рационаллик шартига кура, ўйинчилар бирлашувидан олинadиган самара улар ўртасида тақсимланиши керак. Биз кўраётган моделда корхоналарнинг касаначилик тизимида $(p^k q^k - C^k)$ ўзаро ҳамкорлик қилиши натижасида олинган фойда улар ўртасида бўлиниши керак, яъни қуйидаги $(p_k^k q_k^k - C_k^k) + (y_1 + y_2 + p_y^k q_y^k - C_y^k) = p^k q^k - C^k$ тенглик бажарилиши керак:

$$(p_k^k q_k^k - C_k^k) + (y_1 + y_2 + p_y^k q_y^k - C_y^k) = p^k q^k - C^k$$

Биз тадқиқотларимиз натижаларини умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкинки, ривожланган ғарб мамлакатлари тажрибасига кўра, миллий иқтисодиёт ва унинг минтақалари, тармоқлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши маълум даражада майда фирмалар ва йирик компанияларнинг ўзаро интеграция даражаси билан белгиланади. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармонидан келиб чиқиб кичик ва йирик бизнеснинг касаначилик асосидаги кооперацион алоқаларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бизнинг фикримизча, йирик ва кичик бизнеснинг юқоридагидек касаначилик асосидаги кооперацион алоқаларини моделлаштириш қуйидагиларга имкон беради:

-биринчидан, йирик ва кичик бизнеснинг нафақат касаначилик асосидаги, балки исталган шаклдаги кооперацион алоқаларининг

афзалликларини кўрсатиш ва томонлар учун тенг манфаатли эканлигини асослашга;

-иккинчидан, барча шаклдаги кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларининг амал қилиш шартларини асослашга;

-учинчидан, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқалари ҳамда синергияси самарадорлиги бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилишга;

-тўртинчидан, макро ва микро даражада иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар кесимида кичик ҳамда йирик бизнеснинг ўзаро ҳамкорликлари ис-тиқболларини белгилаш бўйича давлат ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишга ва ҳ.к.

Кичик ва йирик бизнеснинг кооперацион алоқалари бир қанча мустақил илмий изланишларга асос бўладиган даражадаги илмий муаммо бўлиб, биз ушбу илмий ишимизда йирик ва кичик бизнеснинг касаначилик асосидаги кооперацион алоқаларини айрим жиҳатларини ёритдик холос.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнеснинг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги **хулосаларни** билдириш имконини берди:

1. Назарий ва амалий жиҳатдан кичик бизнес тушунчасини ишлатишнинг расмий ва норасмий соҳаларини аниқлаштириш лозим. Республикамизда кичик бизнес тушунчасини барча соҳаларда, жумладан, ҳам илмий, ҳам махсус, оммабоп нашрларда, статистик ҳисоботларда, илмий тадқиқотларда, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”, “кичик тадбиркорлик”, «кичик ва ўрта бизнес», «кичик ва ўрта корхоналар», «кичик бизнес субъектлари», «кичик бизнес тадбиркорлари», «кичик бизнес иқтисодиёт сектори сифатида», «тадбиркорлик ва кичик бизнес» каби талқинларини ўрнига фақат ягона “кичик бизнес” вариантини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бу вариант ишлатилганда барча ҳужжатлардаги таърифлар унификациялашади, халқаро таснифлаш талабларига мос келади, давлат идора ва муассасалари, ахборотлардан фойдаланувчилар, тадқиқотчилар ва кичик бизнес муаммолари билан шуғулланувчиларга ҳам қулайлик яратади.

2. Келгусида республикамизда кичик бизнес субъектлари ўлчамларини аниқлашнинг монотаснифидан (фақат ишловчилар сони) иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда политаснифи (ишчилар сони, операциялар кўлами, обороти, сотувлар ҳажми, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, тармоқнинг рентабеллик даражаси, минтақа ялпи маҳсулотининг мамлакат ЯИМ даги улуши ёки минтақада жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва ҳ.к.) га ўтиш, яъни корхоналар ўлчамларини аниқлашда ҳам микдорий, ҳам сифатий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, республикамизда кичик бизнес субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга, давлатнинг

фискал сиёсатини, ушбу соҳадаги минтақавий иқтисодий сиёсатни такомиллаштиришга имкон беради.

5. Республикамиз ва минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари даражасида кичик бизнес субъектлари “ҳаёт цикли” нинг барқарорлигини, давомийлигини мониторинг қилиб бориш ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида, корхоналар фаоллигининг “яшовчанлик”, “очириш”, “сўнувчанлик” коэффициентлари, “концентрациялашув”, “кооперациялашув” даражаси каби кўшимча сифат ва миқдорий кўрсаткичларини статистик амалиётга киритиш лозим.

6. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришда биринчидан, моделлаштирилаётган субъект ёки тармоқнинг хусусиятлари ва аниқ ташкилий-ҳуқуқий мақоми, иккинчидан, моделлаштирилувчи субъектнинг тадбиркорликнинг қайси тури ёки шаклига мансублиги, яъни йирик ёки кичик бизнеслигига эътибор қаратиш лозим. Чунки, моделлаштирилувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғини моделлари бошқа тармоқ моделларидан фарқ қилади. Бундан ташқари, тадбиркорликни моделлаштиришда умумий нуқтаи назардан талқин этишга кўра, субъектларини кўлами (йирик, кичик) бўйича алоҳида ёки умумий минтақалар, тармоқлар кесимида, кичик ва йирик бизнеснинг умумий иқтисодиётдаги улушларининг нисбатларини моделлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

7. Республикамизда рақобатчилик муҳитини янада ривожлантириш, антимонопол қонунчилик ва сиёсатни амалга оширишда қатор муаммоларнинг мавжудлиги биринчидан, қонун меъёрлари умумий ҳолатларни ўз ичига олгани ҳолда, тартибга солишнинг муҳим масалаларини доим тўлиқ қамраб ололмаслиги, иккинчидан, рақобат билан боғлиқ алоҳида муносабатларни тартибга солувчи қонун ости меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларининг номутаносиблиги, учинчидан, рақобатни тартибга солиш қоидаларига тез-тез ўзгаришлар ва кўшимчалар қўшиш имконияти, тўртинчидан, ҳар хил идоралар томонидан ўз манфаатларидан келиб чиқиб қонун меъёрларини ҳар хил талқин этиш, бешинчидан, алоҳида ушбу масалаларни тартибга солувчи қонун ости

хужжатларининг йўқлиги сабабли алоҳида назорат вазифаларини амалга ошириш имкониятининг йўқлиги, олтинчидан, қонун ва қонун ости хужжатлари томонидан камраб олинмаган масалалар бўйича аниқ тартибга солишнинг йўқлиги билан боғлиқ.

8. КБХТ ни ривожланишини янада жадаллаштириш мақсадида иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар, модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, республикамизда асосий эътибор зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни қатъий тугатиш, таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш ва модернизациялаш, хусусийлаштирилиб фаолият юритмаётган корхоналарни аниқлаш ва уларда ишлаб чиқаришни тиклаш, тугатиш жараёнини янги мулкдорларга сотиш асосида янги кичик бизнес субъектларини, касаначилик иш ўринлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилиши лозимлиги, жойларда йирик норентабел корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини диверсификация қилиш, мавжуд фойдаланилмаётган қувватларини, ортиқча ер майдонларини, ижтимоий соҳа объектларини, молиявий ҳолатини, менежментини таркибий ўзгартириш лозимлиги асосланди.

Юқорида келтирилган ҳулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **таклифларни** кўрсатишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

1. Кичик ва хусусий корхоналар ривожланишида эришиш керак бўлган миқдорий реал иқтисодий кўрсаткичларни, уларни амалга оширишнинг восита ва имкониятларини олдиндан белгилаш. Масалан, корхоналар сонини янада кўпайтириш. Бундай тадбирни асосий самараси шундаки, кичик бизнес субъектларининг сон жиҳатдан оқилона миқдорига эришилади, вилоят иқтисодиёт корхоналарнинг адолатли географик тақсимооти туфайли кичик бизнес хизматларидан бир текисда фойдаланиш имконияти яратилади.

2. Кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш йўллари белгилаш.

3. Кичик бизнес соҳасини бошқаришнинг иқтисодий механизмларини ишга солиш. Айниқса, бюджет сиёсатида бундай корхоналар аҳамиятини ошириш, бюджет даромадлари шаклланишида уларнинг ўрни хусусий корхоналар ривожланишини рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш.

4. Аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик муаммосини ҳал этишни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан оқилона олиб бориш. Мазкур долзарб муаммони ечиш нафақат иқтисодий балки улкан ижтимоий сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлгани ҳақида айтиш мақсадга мувофиқ.

5. Қишлоқда тадбиркорликни, унинг кичик бизнес шакллари ривожлантириш билан боғлиқ турли бошқарув поғоналарида ташкилий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ҳам устувор масалалар қаторига киради.

6. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишида солиқ ва савдо соҳаларидаги Ҳукумат сиёсати муҳим рол ўйнайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, шу соҳадаги чекловлар кичик бизнес ривожига аксарият муаммоларни юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун ислохотларнинг ҳозирги босқичида бу соҳаларда тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган омилларни таҳлил қилиш ва уларни бозор талаблари доирасида баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

7. Ўзбекистонда кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг такомиллаштирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хизмат кўрсатадиган банклар, фондлар, инвестициялар ва суғурта ташкилотларининг фаолиятларини рағбатлантириш йўналишида олиб борилиши лозим. Хорижий мамлакатлардаги каби Ўзбекистон Республикасида ҳам агар корхона устувор давлат дастурида (янги техникани яратиш, узоқ ҳудудларни ривожлантириш ва бошқалар) қатнашаётган бўлса, имтиёзли қарзлар олиши мумкин. Бунда фоизнинг энг кам меъёри ва қарзни узишда узоқ муддат берилиши – қарз беришдаги асосий шартлардандир. Бунинг учун бизнингча, Тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари

хисобидан 2012 йилдан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилиши муҳим кадам бўлди.

8. Шундай экан, Андижон вилоятида меҳнат ресурсларини бандлигини таъминлаш учун уй хўжалиги таркибида ишлаб чиқаришни жорий этиш, **оилавий бизнесни** ривожлантириш зарур. Андижон вилоятида миллийликка анчагина эътибор юксак. Шу сабабдан ҳам миллий хунармандчиликни, касаначиликни ривожлантирадиган бўлсак, вилоятдаги ишсизларни иш билан таъминлашга кадам қўйган бўламиз. Аёллар учун касаначилик (дўппидўзлик, каштачилик, зардўзлик, чеварчилик)ни тараққий топтириш янги иш ўринларини яратиш имконини яратади. Яна миллий хунармандчилигимиз (косибчилик, темирчилик, уста-дурадгорлик ва бошқалар)ни такомиллаштириш, уларни ривожланишига кўмаклашиш маҳаллий ҳокимият органларининг ўз олдиларига қўйган устувор вазифа саналади.

Буларнинг барчасини инобатга олганда, аҳолининг реал пул даромадлари ўсади.

Меҳнат ресурсларин иш билан банд қилишга вақтинчалик жамоат ишлари билан банд қилиш, касбга тайёрлаш, якка тартибдаги оилавий тадбиркорлар учун микрокредитлар бериш орқали эришиш мумкин.

9. Кичик корхоналар фаолиятига олдиндан кўриб бўлмайдиган хилма-хил хатарли вазиятлар катта таъсир кўрсатади, конъюнктуранинг кескин ўзгариб кетиши, мижозларнинг тўловга қодир бўлмай қолиши, табиий офатлар уларни танг аҳволга тушириб қўяди. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда суғурталар тизими яхши йўлга қўйилган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам суғурталар барпо этилиши зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан, уларнинг модернизация қилиниши ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунилари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2014 й. (янги тахрирда)
2. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 25 май 2000 йилдаги Қонуни.
3. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни.
4. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги Қонуни.
5. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги Қонуни.
6. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 223-И-сон Қонуни.
7. «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги Қонуни.
8. «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги Қонуни.
9. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги Қонуни.
- 10.«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги Қонуни.
- 11.«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги Қонуни.
- 12.«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги Қонуни.

13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида». 30.04.1998.,
14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Суғурта тўғрисида». 25.05.2000й.
15. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида». 24.04.1997й.
16. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Табиий монополиялар тўғрисида». 24.04.1997й.,

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

17. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори. Тошкент, 2005 йил 15 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 17 июнь.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 20 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил, 21 июнь.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2006 йил 9 январь. //Халқ сўзи, 2006 10 январь.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706 сонли «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, 5 январь, 2006 й.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Н ПФ-4354 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони. Тошкент, 24 август, 2011 й.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4725-сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш уларни жадал ривожлантириш йўлидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент. 2015 йил 15 май.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-1633-сонли “2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирларини тўғрисида”ги Қарорига асосан (31 октябрдаги 2011 й.) вилоят ҳокимининг № 209 сонли қарори, 5 ноябрь, 2011 й.
25. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 2 майдаги Н ПК-328-сонли Қонуни билан “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида”ги Қарори (янги таҳрирда).

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

26. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015, 304 б.
27. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь
28. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
29. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 440 б.

30. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. 176 б.
31. Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз – эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш.- Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 64 б.
32. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт қафолатидир. 2016 й. 20 октябрь.
33. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
34. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 8-б.
35. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

4. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

36. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. – Т.: Меҳнат, 1997.– 16 б.
37. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.:Меҳнат, 2011.
38. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил. – Тошкент: Меҳнат, 2001. - 159-161-бетлар.
39. Атаниязов Б.Управления развитием экономико-экологических систем. - Ташкент: Фан, 1998. – 124 с.
40. Абдуллаев А. и др. Методы социально-экономического прогнозирования. - Ташкент: Узбекистан, 1992. – 189 с.
41. Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика.- Т.: Фан ва технология, 2007. – 612 с.

42. Абдуллаев А.М., Абдурахманов О.Х., Зокирова Н.К. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. -Т:Фан ва технология,2007.— 575 с.
43. Абдуғаниев А., Худойбердиев З. Қишлоқ хўжалигининг социал иқтисодий муаммолари. - Наманган. 1995. - 40-50 бетлар.
44. Абдурахмонов К.Х., Боев Х.И. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шакллари ривожланиб бориши. –Тошкент: Фан, 1992. – 112 б.
45. Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства.- Ташкент.: Фан, 1991.
46. Глобализация: от центра к периферии. Проблемы новых государств Центр экономических исследований. Ташкент, 2002. – 36 с.
47. Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательства и малый бизнес. - Ташкент.: ТГЭУ, 1996. – с.19-83.
48. Гуломов С.С., Ахмедов Д.К., Боев Х.И. Кичик ва хусусий тадбиркорлик асослари. - Тошкент.: ТДИУ, 1996. – 142 б.
49. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. - Т.: Шарқ, 2002. 324 б.
50. Досчанов Т.Д. Эколого-экономические проблемы химизации АПК Узбекистана. - Т.: Фан, 1990. – 167 с.
51. Добрынин А.И., Тарасевич Л.И. Экономическая теория: Микро, макро, мегаэкономика. Учебник. - СПб.: Питер, 1997. - с.89-90.
52. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса. МФК. - Ташкент. 2002.
53. Дўстжанов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997. – 129 б.
54. Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Иқтисодиёт-молия, 2006. - 320 б.
55. Мирзиёев Ш.М. ва бошқ. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. - Т: Университет, 1994. – 74 б.
56. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. - Т.:ДЖҚА,2001. 141 б.
57. Набиев Э. Экономические преобразования в сфере услуг.-Т.: Фан, 1994. - 127 с.

58. Насритдинова М.А., Ахмедов О.М. Бизнес стратегияси. - Тошкент.: Шарқ. 1996.73-бет.
59. Правовое регулирования предпринимательской деятельности. УСАИД. ПРАГМА. ТОМ 1. Ташкент. 2002. Част 3. стр 28.
60. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 13-бет.
61. Сафаева. К., Бекназаров К. Операцияларни текширишда математик усуллар. -Тошкент.: Ўқитувчи, 1984. – 186 б.
62. Салаев С.К. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида кичик ва ўрта бизнес: муаммолар, таҳлиллар ва истиқболлар. -Тошкент.: Фан, 2002. – 128 б.
63. Салаев С., Алланазаров Б. Бизнес-этикет.-Ургенч.:УрДУ,2001 241 б.
111. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг амалий асослари. - Тошкент.: ТИТП, ОССЭ, 2004. - 12-17 бетлар.
64. Ҳакимова М. Макроиқтисодиёт. -Тошкент.: Меҳнат, 1997. - 227 б.
65. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Ўзбекистон, Дарслик. 1995. – 171 б.
66. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: Шарқ, 2006. – 386 б.
67. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси.- Тошкент.: Молия. 2002. – 103 б.
68. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Фан ва технология. – 2005. – Б.306.
69. Шадиев Т.Ш. и др. Эконометрика. – Т.: Шарқ. – 1999. – с.240.
70. Шодиев Х.А. Молия статистикаси. – Т.: Абу Али Ибн Сино. Дарслик.- 2002. – 296 б.
71. Шадиев Х.А. Статистика.-Т.:Абу Али Ибн Сино.Дарслик.- 2004. 347 б.
72. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё.Менежмент: 100 савол ва жавоб.- Тошкент.:Меҳнат, 2000. – 283 б.
73. Қосимова М.С. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. -Тошкент.: Ўқитувчи, 2003. - 29-33 бетлар.

74. Қўчқаров А., Тошматов Х., Исроилов Ж. Менежмент стратегияси. - Тошкент.: 2003. - 133-142 бетлар.
75. Ходиев Б.Ю., Сарсатская Т.И. Электронная коммерция. - Т.: ТГЭУ, 2003. - 57 с.
76. Холиқулов А.Р., Нуриддинов С.А. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик асослари ва чет эл тажрибаси. -Т.: Университет, 1994.- 50 б.
77. Хаджимуратов М. Становление предпринимательство в Узбекистане. - СПб.: Изд. университета Экономики и финансов, 1996. - 253 с.
78. Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Тошкент.: Молия, 2003. - 162-178 бетлар.
79. Ғозибеков Д. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. -Тошкент.: Молия, 2000. - 134-207 бетлар.

5. Диссертация ва авторефератлар

80. Абулқасимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.: иқт.фан.док....дисс.автореф. -Тошкент.: ЎзМУ. 2005. - 45 б.
81. Аллаберганов А.В. Кичик корхоналар ҳисобини такомиллаштириш.: иқт. фан.ном....дисс.автореф. - Тошкент.: БМА. 2006. - 22 б.
82. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва уни такроран ҳосил бўлиши.: иқт.фан.док. дисс....автореф. Тошкент.: ЎзМУ. 2001.- 39 б.
83. Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: иқт. фан. док. дисс....автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 2005. - 41 б.
84. Касимова Д.С. Управление развитием и эффективным использованием производственного потенциала НХК "УЗБЕКНЕФТЕГАЗ": Автореф. дисс....док.экон.наук. - Ташкент. 2005. -23 с.
85. Қўчаров А.С. Тадбиркорлик соҳаси учун бошқарув ходимларини тайёрлашнинг ташкилий-иқтисодий омилиларини такомиллаштириш.: иқт. фан. док.... дисс.автореф.- Тошкент: ТДИУ. 2006 й. - 42 б.

86. Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. ...док.эк.наук. -Т.: ТГЭУ. 1993. – 36 с.
87. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док....дисс. Тошкент:ЎЗМУ. 2004. - 276 б.
88. Меҳмонова Д.Д. Минтақаларда ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш омиллари ва улардан самарали фойдаланиш.: иқт.фан. ном. ... дисс.автореф. - Т: ТДТУ. 2006. – 24 б.
89. Мухаммедов Ю.Қ. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари.: иқт.фан.док. ...дисс.автореф.-Т.: ТДИУ. 2006. -38 б.
90. Рихсимбоев О. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнесни ривожланишини моделлаштириш: иқт.фан.ном.... дисс. -Т.: ТДИУ.2002.-21 б.
91. Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ.: Автореф. дис....док. экон. наук.- Т.1998. – 39 с.
92. Суюнов Д.Х. Кичик бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самардорлигини ошириш йўналишлари.: иқт.фан.ном.дис. автореф. - Тошкент: ДЖҚА. 2004. -21 б.
93. Умарходжаева М.Г. Италияда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши: иқт.фан.ном. ... дис. – Т.: ТДИУ. 2004. – 139 б.
94. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожлани-шини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б.
95. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида): иқт.фан.док.дис.автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 1998. – 46 б.
96. Худайбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: иқт.фан.ном.... дис. автореф. Тошкент. 1996. -22 б

6. Журнал ва газеталар, конференция материаллари

97. Абатуров В, Рустамов Д. Хорижда кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2000. - №1. Б.51-54.
98. Абдуғафаров А., Насритдинова Ш. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент.: Молия, 2008. - Б. 398-401.
99. Беркинов Б.Б., Рахмонкулова Б.О. О подходе к формированию объективно обусловленной цены на хлопок-сырец // Экономика и класс собственников. - Ташкент. 2004. - № 2, с.43-45.
100. Машарипов О., Салаев С. Ахборот бизнеси - иқтисодиёт таянчи // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1997. - № 4. – Б.26-29.
101. Намозов О. Молиявий асимметриянинг ўтиш иқтисодиётига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - № 10. – Б.5-6.
102. Салаев С.К., Отажонов Х.Ш. Ўзбекистон кичик ва ўрта бизнесида таъки иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари // Республика илмий-назарий анжумани. - Тошкент: ТМИ, 2016. - Б. 50-51.
103. Ғофуров У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий муаммолари // Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига бағиш-ланган илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент. ЎзФА Иқтисодиёт институти, 2016. – Б.143.

7. Интернет тармоғи веб-сайтлари ва манзиллари:

<http://www.ceep.uz> «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳ

<http://www.вопресо.ру> . «Вопросы Экономики» журнали

<http://www.жсае@семи.рсси.ру> . «Общество и экономика» журнали

<http://вопстат@мтв-нет.ру> . «Вопросы статистики» журнали

<http://ворлдбанк.орг> Жахон банки

<http://www.антимон.уз> Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси